



№50-51  
2019-йил, 25-июн  
Seshanba (32.541)

# O'zbekiston OVOZI

Ijtimoiy-siyosiy gazeta  
1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!

Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисида 18 та масала, шу жумладан, 7 та қонун кўриб чиқилди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИНИНГ ЙИГИРМАНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, муҳтарам Сенат аъзолари!  
Ҳурматли ялпи мажлис қатнашчилари!  
Авваламбор, бугун сиз, азизлар билан учрашиб, барчангизни соғаломат, яхши кайфиятда кўриб турганимдан мамнунман.  
Шу имкониятдан фойдаланиб, сизларга ўзимнинг юксак ҳурматим ва самимий тилақларимни билдираман.  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бугунги ялпи мажлиси барқарор миллий тараққиётимизнинг янги босқичида, жамиятимиз ҳаётининг барча соҳа ва тармоқларида кенг қўламли ва шиддатли демократик ислохотлар жадал олиб борилаётган масъулиятли бир даврда бўлиб ўтмоқда.

Ҳозирги кунда кўпмиллатли халқимиз мамлакатимизда қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган устувор мақсад ва вазифаларни амалга ошириш йўлида баҳамжиҳат бўлиб, қатъият ва фидойилик билан меҳнат қилмоқда.

Олдимизга қўйган улкан марраларга эришиш учун давлатимиз ва жамиятимизнинг барча куч ва имкониятлари сафарбар этилмоқда. Айниқса, давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш, миллий иқтисодий тизимни ривожлантириш ва либераллаштириш, иқтисодий соҳани янада ривожлантириш, ҳавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш, самарали ташқи сиёсат олиб боришдек устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Халқ билан доимий ва тизимли мулоқот асосида умумий сони 33 миллиондан ортиб бораётган аҳолиимизнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва юрний манфаатларини таъминлаш борасида янги қадамлар қўйилмоқда. Жумладан, иқтисодий соҳасида иқтисодий йўналтирилган ҳақиқий бозор муносабатларини жорий этиш, тадбиркорлик, хусусий мулк ривожига кенг йўл очиб бериш, замонавий ишлаб чиқариш корхоналари ва инфратузилмаларини ташкил этиш масалаларига биринчи даражали аҳамият берилмоқда. Янги иш ўринлари яратиш, замонавий уй-жойлар, йўл ва кўприклар, болалар боғчалари, мактаблар ва олий ўқув юрталари, шифохоналар, маданият ва санъат, спорт масканларини барпо этиш, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг ҳаёти обод ва фаровон бўлишига эришиш, уни рози қилиш — барча бўғиндаги раҳбар ва мутасаддиларнинг фаолият мезонига айланмоқда.

Албатта, ҳаётимиздаги бундай улкан миқёсдаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий-ҳуқуқий ислохотларни амалга оширишда миллий парламентимиз — Олий Мажлис ва унинг юқори палатаси бўлиши Сенатнинг сиз, ҳурматли сенаторларимизнинг фаолияти гоят муҳим аҳамиятга эга эканини ҳаммамиз яхши биламиз.

Биз Сенат деганда, биринчи навбатда, миллий парламенти-мизнинг сиёсий, ҳуқуқий ва маданий салоҳиятини амалда намойн этадиган, халқ манфаатларининг чинакам ифодачиси ва ҳақиқий ҳимоячиси бўлган катта бир кучни тасаввур қиламиз.

Едингида бўлса, бундан икки йил олдин, яъни, 2017 йил 12 июль кунини сиз, муҳтарам халқ ноиблари билан учрашиб, парламенти-миз фаолиятини бугунги шиддатли даврнинг ўткир талаблари асосида янада такомиллаштириш бўйича энг муҳим вазифаларни белгилаб олган эдик.

Давоми 2-бетда. ▶



## Видеоселектор тарзидаги ўқув семинар

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят кенгашлари ходимлари иштирокида видеомулоқот кўринишида семинар ўтказди. Унда 21 июнь куни бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисида Президентимиз сўзлаган нутқининг мазмун-моҳияти хусусида сўз юритилди. Шунингдек, маърузадан келиб чиқиб, партия ташкилотлари

олдиға қўйиладиган устувор вазифалар муҳокама этилди.

Тадбирда миллий ва ҳудудий манфаатлар нуқтаи назаридан қонунлар ишлаб чиқилишида халқ вакилларининг фаоллигини ошириш хусусида ҳам сўз борди. Ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан самарали парламент назоратини амалга ошириш, маҳаллий Кенгашлар билан амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш масалаларига эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, иштирокчилар ўзаро тажриба алмашди. Мафкуравий фаолият, сайлов жараёнларига тайёргарлик кўриш масалалари бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Ишлаб чиқилган йўриқномалар асосида жойларда шу мавзудаги тадбирлар самарадорлигини ошириш вазифалари белгилаб олинди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ахборот хизмати.

Давоми 4-бетда. ▶

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

«Ишимизда ўзгариш бугун сезилиши керак»



Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари, партиянинг Марказий Кенгаши, Тошкент шаҳар, вилоят ва туманлар кенгашлари раҳбарлари, депутатлар иштирок этди.

Йиғилишда Президентимизнинг Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисидаги нутқида белгиланган устувор йўналишлар, партиямиз фракцияси олдида турган вазифалар муҳокама қилинди.

Йиғилишни ЎзХДП фракцияси раҳбари ўринбосари Абдуғаффор Қирғизбоев олиб борди.

## ШУ КУННИНГ ШУКУҲИ

## Миришкор яна пешқадам

Ўтган йили режадагидан анча кўп — 55 минг 822 тонна дон етказиб берилди. Шартнома мамлакатда биринчилардан бўлиб урдаланди. Олдинги йилларнинг 40-45 минг тоннасига қараганда, бу қадар юксалиш кишини ҳайратга солади. Ўтган йили 1225 нафар фермер бўлса, бу йил ерларни йириклаштириб, 566 фермер билан шартнома тузилди. Улар 22 минг 350 гектар майдонда дон етиштиришди. Натижа олдинги йилдагидан юқори бўлди. Ўримга барча куч-имконият йўналтирилди. Бошқа туманларнинг комбайнлари ҳам кўмакка келди. Қисқа фурсатда шартнома режасидаги 51 минг 900 тонна ўрнига 60 минг тоннадан кўпроқ сифатли дон давлатга етказиб берилди.



8

## Ўзбекистонлик ихтирочи аёллар

Жанубий Кореяда бўлиб ўтган халқаро кўргазмада икки Гран-при, 5 олтин, 2 кумуш ва 6 бронза медалини қўлга киритишди

Корея ихтирочи аёллари ассоциацияси (KWIA), Корея интеллектуал мулк оффиси (KIPO) ва Халқаро интеллектуал мулк ташкилоти

(WIPO) томонидан Жанубий Кореяда XII Корея Халқаро ихтирочи аёллар кўргазмаси — KIWIЕ 2019 ўтказилди.

Халқаро кўргазма ихтирочи аёлларнинг фан ва технология соҳасида эришаётган ютуқлари, тажрибалари ҳамда яратган янги технологияларини



ўрганиш, рағбатлантириш мақсадида 1993 йилдан буюн ўтказиб келинмоқда. Ушбу кўргазмада бу йил 30 дан зиёд давлатлардан 400 нафардан ортиқ ихтирочи хотин-қиз технология, тиббиёт, озиқ-овқат, вентил санъат, кимё ва санъатнинг турли йўналишлари бўйича ўз ихтиролари ҳамда инновацион ишланмалари билан қатнашишди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ердами билан 12 нафар ихтирочи аёл ушбу кўргазмада иштирок этди. Ўзбекистон делегацияси аъзолари эришган натижалари ва ишлаб чиқараётган маҳсулотларини намойиш қилишди. Олима аёлларимизнинг ихтиролари халқаро экспертлар томонидан ўрганилиб, юқори баҳоланди.

Хусусан, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси бўлим бошлиғи, профессор Карима Норқуллованин «Энергиятежамкор қуритиш қурилмаси» номли ихтироси KIWIЕ 2019 нинг техника-технология йўналиши бўйича махсус соврин — Гран-прига, «Sky Beauty» компанияси раҳбари Назолат Абдуллаева томонидан яратилган «Зайтун ёғи асосида ишлаб чиқилган органик совун» лойиҳаси ҳам косметика йўналиши бўйича — Гран-прига лойиқ қўрилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон делегацияси аъзолари 5 олтин, 2 кумуш ва 6 бронза медалини қўлга киритишди.

Шухрат ИСЛОМОВ,  
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2019 йил 25 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, Божона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгилади.)\*

1 АҚШ доллари	8562,34
1 ЕВРО	9731,96
1 Россия рубли	135,34
1 Англия фунт стерлинги	10908,42
1 Япония иенаси	79,80
1 Жанубий Корея вони	7,39
1 Кувайт динори	28235,25
1 Малайзия рингити	2064,21
1 Хитой юани	1246,59
1 Сингапур доллари	6319,54
1 Швейцария франки	8771,09
1 БАА дирҳами	2331,28
1 Миср фунти	514,56
1 Австралия доллари	5927,71
1 Туркия лираси	1471,09
1 СДР	11878,62
1 Канада доллари	6476,32
1 Украина гривнаси	328,00
1 Польша злотийси	2288,17

\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

«Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак»

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИНИНГ ЙИГИРМАНЧИ ЯЎШИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Мен яхши эслайман, ўша учрашувда «Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак», деган фикр ўртага қўйилган эди.

Ана шу дастурий гоёни амалга ошириш учун Олий Мажлисга Мурожаатномаларимизда ҳам Ўзбекистоннинг бугунги ижтимоий-сиёсий ҳаётида миллий парламентаризмни ривожлантириш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилгани сизларга яхши маълум. Бу борада, жумладан, Олий Мажлис палаталарининг жамиятимиз ва давлатимиз ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш, уларнинг ишони самарали ташкил этиш учун зарур шароит яратиш, депутатлар ва сенаторлар фаолиятининг моддий-ташқилий таъминотини яхшилашга қаратилган муҳим чора-тадбирлар қўрилди.

Утган давр мобайнида Ўзбекистонда амалга оширилётган тизимли демократик жараҳларда Сенат томонидан қонун ижодкорлиги билан бирга таъсирчан парламент назоратини олиб бориш, жойларга чиқиб, аҳолиимизни қийнаётган, безовта қилаётган муаммоларни ўрганиш, уларни ҳам қонуний, ҳам амалий нукта назардан ҳал қилиш юзасидан бир қатор эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилиётганини албатта эътироф этиш лозим.

Биз ўз фаолиятимизни бошлаган дастлабки кунлардан эътиборан сиз, ҳурматли халқ вакиллари билан барча муҳим вазифаларимиз қаторида иккита энг асосий масалаларга алоҳида аҳамият қаратиш ҳақида келишиб олган эдик. Буларнинг биринчиси — жамиятимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш бўлса, иккинчиси — аҳолиимизнинг соғлигини муҳофаза қилишдир.

Ҳаммамиз тушунамиз, тинчлик ва соғлиқ — бу ҳар бир инсон, бутун халқимиз учун ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган буюк неъматдир. Шунинг учун ҳам мана шу икки соҳада биз ахволини тубдан ўзгартириб, ижобий натижаларга эришишга буюк кўчма кўчмиздаги вазият ва ижтимоий муҳит кескин ўзгаради, мен бунга аминман.

Шу мақсадда биз парламент аъзоларига катта ишонч билдириб, Қонунчилик палатасига — соғлиқни сақлаш соҳасида, Сенатга эса ички ишлар органлари тизимида ислохотларни амалга оширишда бош-қош бўлишни тақдир этган эдик.

Бугунги кунда ички ишлар органлари фаолиятини самарали ташкил этиш, жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини йўлга қўйиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқаролар онгига «Қонун — устувор, жиноятга жазо муқаррар», деган юридик тамойилни қарор топтириш борасида эришилаётган ютуқларда Сенат аъзоларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Айни вақтда мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, жамиятимизнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва турмуш сифатини янада яхшилаш, Ўзбекистоннинг халқро майдондаги обрў-эътиборини юксалтириш билан боғлиқ гоёт долзарб, кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни бажаришда Сенатнинг роли ва таъсирини оширишни ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, мен Сенат фаолиятида ўз ечимини қутиб турган бир қатор муҳим масалаларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

**Биринчидан**, Сенатнинг қонунчилик фаолиятида, ишчи тўғри ташкил қилишда талабчанлик ва жонқурлик, ташаббускорлик ва изчиллик етишмаётганини қайд этиш лозим.

Мисол учун, 2015-2018 йиллар давомида юқори палата томонидан 140 та қонун маълумотлари бўлса-да, асарият қонунларининг маъно-мазмунини Сенатда қўриб чиқилганидан сўнг сезиларли даражада ўзгармаган.

Маълумки, қонунлар муҳофазасининг бошланғич босқичларида миллий ва ҳудудий манфаатлар нуктаи назардан Сенат аъзоларининг маъруза муҳофазатчи фаолиятига айрим Сенат аъзоларининг юзаси ёндашиш ҳолатлари учраб туради.

Гарчи Сенат қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлса-да, бу ҳол унинг қонунларни тақомиллаштириш бўйича тақдир қўришга монелик қилмайди. Тан олиш керакки, бу борада юқори палата вакиллари томонидан ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маданий соҳалардаги муаммоларни чуқур таҳлил қилиб, қонунчиликни ривожлантиришга оид асосланган тақлифларни киритиш масаласи, афсуски, талаб даражасида эмас.

**Иккинчидан**, Сенатнинг парламент

назоратига оид амалдаги ваколатларидан тўлиқ фойдаланилмапти. Утган 4 йил давомида Сенат томонидан атиги 10 та парламент сўрови юборилгани ҳам бунинг тасдиғидир.

Иккинчидан, ҳокимияти органлари фаолияти устидан самарали парламент назоратини амалга ошириш талаб этилаётган ҳозирги шароитда бундай ҳолат бизни албатта қониқтирмайди.

Тўғри, кейинги вақтда Сенат томонидан марказий ва маҳаллий давлат органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини жойларга чиқиб ўрганиш юзасидан 131 та назорат-таҳлил тадбирлари ўтказилган. Аммо маъруз тадбирларнинг нақадорлиги паст бўлиб, уларнинг ақсарияти фақат тадбир ўтказиш учун номига ташкил этилмоқда.

Парламент назорати доирасида аниқланган тизимли муаммоларни умумлаштириб, ижтимоий-иқтисодий, суд-ҳуқуқ ва бошқа соҳаларга оид қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини тақомиллаштириш бўйича аниқ, асосланган тақлифларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ишлари қониқарли эмас. Айниқса, бу борада халқро ҳуқуқ талабларини ҳамда ривожланган ҳорижий давлатларнинг қонунчилигини ўрганиш, уларнинг илгор юридик тажрибасини қўллаш бўйича ташаббусларни илгари суриш борасида Сенат фаолиятида ўзгариш сезилмапти.

**Учинчидан**, ҳаммамиз биланмики, Сенат — бу Олий Мажлиснинг ҳудудий вакиллик палатасидир. Бироқ Сенат фаолиятида ҳудудларнинг манфаатларини инобатга олиш, умуман, ҳудудларга оид масалаларни кўриб чиқиш яқин-яқингача эътибордан четда қолиб келгани ҳеч кимга сир эмас.

Юқори палата томонидан муайян ҳудудни субвенция (дотация) дан чиқариш бўйича ҳокимнинг ахбороти бирор марта ҳам тингланмаган. Фақатгина 2018 йилда Сенат тарихида илк мартаба тегишли вилоят ҳокимининг ҳудудларни ривожлантириш юзасидан ҳисоботини эшитиш амалиёти йўлга қўйилди. Жумладан, Андижон, Бухоро, Фарғона вилоятлари ҳокимларининг ҳудудларни ривожлантириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти ҳақидаги ҳисоботлари эшитилди. Лекин булар ҳали етарли эмас.

Айни вақтда юқорида зикр этилган парламент эшитувлари бўйича қабул қилинган қарорларнинг мазмунини асосан ҳокимлик ва маҳаллий давлат идораларига умумий руҳдаги топириқлар бериш билан чекланиб қолмоқда.

Бу ҳужжатларда ҳар томонлама чуқур таъйинланган, ҳар бир ҳудуддаги ижтимоий муаммоларни ечишга, аҳолининг оғирини енгил қилишга қаратилган аниқ вазифалар ўз ифодасини топмапти. Шу билан бирга, ушбу қарорлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш ишлари ҳам сўт олиб боришмоқда.

**Тўртинчидан**, маълумки, Сенат зиммасига халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш, уларнинг иш самардорлигини ошириш вазифаси ҳам юқолган. Ушбу масала бўйича юқори палатамизда махсус комиссия ҳам тузилган.

Маъруз йўналишида дастлаб муайян тадбирлар амалга оширилган бўлса-да, охириги йилларда Сенат томонидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фаолиятини кучайтириш бўйича ишлар тизимли асосда олиб борилмапти. Ваҳоланки, жойлардаги маҳаллий Кенгашлар депутатларининг профессионал савияси ва ҳуқуқий саводхонлиги, уларнинг депутатлик фаолиятини тўғри ва самарали ташкил этиш қўнималари бугунги кун талаблари даражасида эмас, десак, муҳолага бўлмайди. Хусусан, биз келгусида ҳокимларнинг икки ва вакиллик ҳокимияти раҳбари сифатидаги ваколатларини алоҳида-алоҳида ажратиб қўйишни ўз олдимида вазифа қилиб қўйган эканмики, Сенатнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан самарали ҳамкорликни ташкил этишдаги роли ва масъулияти янада ортиси табиий.

**Бешинчидан**, яна бир муҳим масала — бу Сенатнинг халқро йўналишидаги фаолиятини кучайтириш билан боғлиқ.

Барчамизга аёнки, давлатимизнинг халқро майдондаги обрў-эътиборини кўтариш, фаол ташкил сибсат олиб бориш соҳасида ҳам Сенатнинг муҳим вазифалари бор.

Бу соҳада Сенат, хусусан, Раиснинг биринчи ўринбосари Соҳиб Солиҳович Сафоев томонидан кўпгина ишлар амалга оширилётганини албатта эътироф этишимиз керак.

Катта ҳаётий ва сенаторлик тажрибасига эга С.Сафоев ҳорижий давлатлар парламентлари ва халқро ташкилотлар билан қўққирли ва самарали ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш, мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги туб ислохотларнинг маъ-

но-мазмунини давлат жамоатчилигига етказишда жонбозлик билан фаолият кўрсатмоқда.

Биргина шу йилнинг ўзида Сенат иш-тироки ва шароитида 50 дан зиёд халқро анжуманлар, семинарлар ва давра суҳбатлари ўтказилди.

Лекин юқори палатамизнинг халқро йўналишидаги ишнинг натижадорлигига яхлит баҳо берадиган бўлсак, ҳали тўла ишга солинмаган имкониятлар мавжуд. Жумладан, Парламентларо Иттифоқ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Парламент ассамблеяси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги парламентларо ассамблеяси ва Ўзбекистон номида Олий Мажлис аъзо бўлган бошқа халқро парламент ташкилотлари билан ишлаш стратегиясини белгилайдиган, аниқ ва узоқ мuddатни кўзлабдиҳган иш режаларини Сенат белгилаб олиши лозим.

Умуман, парламентларо ҳамкорлик доирасида сенаторларнинг чет элларга расмий ташрифлари олдиндан пухта режалаштирилиши керак, музокаралар доирасида ҳорижий шериклар билан муҳофазатга қўйилмаган масалаларни пишиқ-пухта белгилаб олиш шарт. Олдин қилиб айтганда, парламентларо ҳамкорликка оид ташрифларга юқори натижадорлик нуктаи назардан ёндашишнинг вақти-соати келди.

Бундан ташқари, ҳорижий инвестициялар ва ташқи савдо масалаларига оид тасдиқланган қўллаб-ўйлаб хариталари устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ҳам Сенат фаолиятини янада тақомиллаштириш мақсада мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланган халқро шартномаларнинг ижросини парламент назорати тартибда мунтазам ўрганишни йўлга қўйиш лозим.

Азиз дўстлар! Маълумки, ҳар қайси мамлакат, ҳар қайси халқ ҳаётида **Шахс — Оила — Жамият — Давлат** деган тушунча ва қадриятлар ҳал қилувчи ўрин тутаяди. Жамиятнинг бирламчи ва асосий бўлини бўлган оилани эса муҳтарам аёл сиёмосисиз асло тасаввур этиб бўлмайди.

Халқимиз азалдан муқаддас Она зотига, хотин-қизларга доимо юксак эҳтиром кўрсатиб келаяди. **Аёлга бўлган ҳурмат-эътибор — бу аввало оилани, жамият келажигига бўлган ҳурмат-эътибор ифодасидир.**

Шу нуктаи назардан қараганда, «**Ер юзидидаги ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси унинг аёлларга нисбатан муносабати билан белгиланади**», деган ҳикматли сўзларда чуқур маъно бор.

Ҳозирги глобаллашув даврида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Айниқса, аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий фаолиятини ошириш давр талабига айланмоқда.

Бугунги кунда юртимиздаги давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 миң 400 га яқин аёллар раҳбарлик лавозимларида ишламоқда. Хотин-қизларимиз орасидан Олий Мажлис Сенатида — 17 нафар сенатор, Қонунчилик палатасида — 21 нафар депутат фаолият олиб бормоқда. Маҳаллий кенгашларда эса халқ вакилларининг 23 фоиздан зиёдини хотин-қизлар ташкил этади.

Республика бўйича жорий йилнинг май ойида фуқаролар йиғинлари раислиги учун ўтказилган сайловларда 1 миң 25 нафар аёл ўзини ўзи бошқариш идоралари раиси лавозимига сайланди.

Юртимиздаги турли қорхоналарда ишлаётган раҳбар аёллар сонини ҳам ўсиб бормоқда. Бу кўрсаткич 2017 йили 44,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилда 45,3 фоизга етган.

Хотин-қизларнинг улуши соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида 82 фоиздан зиёдини, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат соҳаларида 72 фоизни, қишлоқ ҳўжалигида 45 фоиздан ортққичи, саноатда 38 фоизни ташкил этмоқда. Юртимиздаги жами тадбиркорлик субъектлари таркибиде тадбиркор аёлларнинг улуши 29 фоиздан иборатдир.

Шу ўринда БМТ Бош қотиби Антонио Гутерришнинг жорий йил 11-17 март кунлари бўлиб ўтган, мамлакатимиз делегацияси ҳам қатнашган БМТ Хотин-қизлар ахволи бўйича комиссиясининг 63-сессиясида айтган бир фикрини келтироққичман. «**Қаердаки сиёсий ва ижтимоий ҳаётда хотин-қизлар фаол иштирок этаётган бўлса, ўша жойда иқтисодий ўсқмоқда, барқарорлик мустаҳкамланмоқда ва фуқароларнинг фаровонлиги юксалмоқда**», деб таъкидлади А.Гутерриш.

Бугунги кунда Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аёлларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида тўлақонли иштирок этишига эришиш, гендер тенглик ва репродуктив саломатлигини таъминлаш бўйича

олиб борилаётган давлат сиёсатида жаҳон ҳамжамияти, жумладан, БМТ, Халқро меҳнат ташкилоти, ЮНИСЕФ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти каби нуфузли халқро ихтисослашган муассасалар томонидан юқори баҳо берилмоқда.

Барчамизни руҳлантириб, янги қуқувват бағишлайдиган бундай ижобий ўзгаришларга, авваламбор, юртимизда хотин-қизларнинг жамият ҳаётида муносиб ўрин эгаллаши, уларнинг ижтимоий нуфузини янада юксалтиришга қаратилган салмоқли ишларимиз мустаҳкам пойдевор бўлаётганини таъкидлаш лозим.

Утган қисқа даврда бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 та фармони, 2 та қарори, Хукуматнинг 6 та қарори ва 4 та фармойиши қабул қилинди ва улар изчил амалга оширилмоқда. Албатта, сизлар буларнинг барчасидан яхши хабардорсиз. Шунинг учун мен бу масалага батафсил тўхталиб ўтироққич эмасман.

Энг муҳими, бу устувор йўналиш бизнинг доимий эътибор марказимизда бўлиб келмоқда. Жумладан, хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ишга жойлаштириш, тадбиркорлик фаолияти билан шўғулланишлари учун зарур шароит яратиш, уларни уй-жой билан таъминлаш бўйича катта ишлар олиб боришмоқда.

Мисол учун, «**Ҳар бир оила — тадбиркор**» дастурини амалга ошириш доирасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун тижорат банклари томонидан ўз бизнесини ташкил этмоқчи бўлган 12 миң 651 нафар аёлга 1 триллион 235 миллиард сўмдан ортққ кредитлар берилди. Шу билан бирга, Хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳисобидан кам таъминланган оилаларга мануси 1 миң 949 нафар оила-сингилларимизга 42 миллиард сўм миқдориде кредитлар ажратилди.

Кейинги пайтда юртимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларни замонавий уй-жойлар билан таъминлаш бўйича янги тизим яратилди. Ана шу тизим асосида 1 миң 564 нафар хотин-қизлар нафақат уй-жойга, балки иш ўринларига ҳам эга бўлиб, уларнинг эртани кунга ишончи мустаҳкамланиб бораётгани гоёт муҳимдир.

Хабарингиз бор, бугунги кунда «**Беш ижобий ташаббус**» доирасида бошланган ишларимиз тобора кенг тарқалмоқда, халқимиз бу ҳаракатни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Хусусан, хотин-қизлар бандлигини оширишга доир бешинчи ташаббус бўйича 2019-2020 йилларда ҳар бир туманда тикув-трикотаж қорхоналарини қуриш ва аёллар учун қарий 57 миңга янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилмоқда. Бу лойиҳалар ўзининг дастлабки натижаларини бермоқда. Лекин уларнинг самарасини ошириш учун ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Ҳурматли мажлис қатнашчилари! Эътиборингизни яна бир муҳим масалага қаратмоққичман. Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти бўйича ўтказилган охириги ижтимоий сўровлар иштирокчиларининг 70,2 фоизи мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий фаолиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратилишини қайд этган. Ушбу сўровда қатнашган 81,5 фоиз респондентларнинг фикрича, аёлларнинг жамоат ёки сиёсий ташкилотларда ўз фаолиятини амалга оширишда ҳеч бир шахс ва бирор-бир ҳолат уларга халақит бермайди.

Шу ўринда мени онгимизда чуқур илдиз отган бир ақида кўп ўйлантиради. Биз доимо аёл — бу она, оиламиз бекас, деб уларни улуғлаймиз. Бу тўғри, албатта. Аммо **ҳозирги кунда ҳар бир хотин-қиз демократик жараёнининг қузатувчиси эмас, балки фаол ва ташаббускор иштирокчиси бўлмоғи шарт.**

Афсуски, биз узоқ вақт бу масалага етарлича эътибор бермасдан, ҳурматли оила-сингилларимизнинг дарду ташвишларига бепарво қараб келганимиз тўғрисида йиллар давомида тўққиланиб қолган ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш бугун, очигини айтиш керак, осон бўлмайди. Лекин қанчалик қийин ва мураккаб бўлмасин, муҳтарам оила-сингилларимиз учун муносиб иш ва турмуш шароитларини яратиш бериш бўйича биз бор қуч ва имкониятларимизни тўла сафарбар этамиз. Чунки, тақдор айтаман, **агар аёл, она бахтли бўлса, оила бахтли бўлади, она бахтли бўлса, бутун жамият, давлат мустаҳкам ва барқарор бўлади.**

Сиёсий-ижтимоий ҳаётимизда ҳурматли аёлларимизнинг ўрни ва нуфузини янада мустаҳкамлаш мақсадида қуйидаги муҳим вазифаларни амалга оширишимиз зарур.

**Биринчидан**, бундан ўн йил олдин Сенат аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари таркибиде хотин-қизлар миқдори 20 фоиздан ортққ эди. Эндиликда бу кўрсаткич юқори палатада — 17 фоизга, қуйи палатада эса — 16

фоизга тушиб қолди. Бу нимадан далолат беради?

Жавоб аниқ: сиёсий партияларимиз ўз сафларига билимли, ташаббускор ва ташкилотчи аёлларни жалб этиш, уларнинг сиёсий ва ижтимоий фаолиятини оширишга етарлича эътибор бермапти. Ваҳоланки, БМТ маълумотларига кўра, парламентларда аёлларнинг вакиллиги бутун дунёда ўсиб бормоқда ва 2018 йилда бу кўрсаткич 24,3 фоизни ташкил этган.

Сизларга яхши маълумки, жаҳондаги демократик тажрибадан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиз сайлов қонунчилигида парламент ва маҳаллий кенгашларга бўладиган сайловларда хотин-қизлар орасидан кўрсатилмаган номзодлар бўйича 30 фоизлик квота белгиланган.

Юртимизда ўзининг ақл-заковати, чуқур билими, катта ҳаётий тажрибаси, фидокорона меҳнати, инсоний ғазиллари билан ҳаммага ўрнак ва намуна бўлиб келаётган оила-сингилларимиз қўллаб топилади. Бу йил Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларда ана шундай сиёсий савияси етуқ, меҳнаткаш ва оқила аёлларимиз ўз салоҳиятини намоён этиб, депутат ва сенатор бўлиб сайлансалар, мен ишонаман, бундан давлатимиз ҳам, жамиятимиз ҳам фақат катта наф қўради.

Парламентга ва маҳаллий Кенгашларга сайланадиган аёллар сонининг ўсиши қонун ижодкорлиги жараёнида хотин-қизларнинг манфаатлари ва фикрларини ҳисобга олиш имкониятини беради. Шунингдек, давлат бюджетни шаклланишида гендер тенглиги масалаларини инобатга олиш мумкин бўлади.

**Иккинчидан**, Олий Мажлис тизимида хотин-қизлар масалалари билан бевосита шўғулланганида бирон-бир кўмитамавжуд эмас.

Тўғри, 2017 йили Қонунчилик палатасининг Оила ва аёллар масалалари бўйича комиссияси тузилган эди. Бу тузилма негизий ишламади, унинг Низомида белгиланган вазифалар қорозда қолиб кетди. Оқибатда бугунги кунда оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, аёлларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга, уларнинг жамиятдаги мавқеини оширишга қаратилган муайян бир тузилма Қонунчилик палатасида ҳам, Сенатда ҳам йўқ.

**Учинчидан**, утган икки йилда халқро андозалар талаблари доирасида аёллар ахволини тубдан яхшилашга доир 15 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат имзоланган ва ижрога қаратилган. Аммо қонун ижодкорлари ўзларининг бу борадаги асосий вазифаси билан шўғулланиш ўрнига, ҳали ҳам «уқлаб» ўтирибди.

Фаоллик ва ташаббускорликни ошириш зарур. Яқин вақт ичиде иккита янги қонун, яъни «**Эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлари ва имкониятлари қозғоллари тўғрисида**» ҳамда «**Аёлларнинг таълим ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш тўғрисида**»ги қонунларни қабул қилишимиз керак.

**Тўртинчидан**, мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари жадал ривожланмоқда. Лекин 9 миңдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотдан фақатгина 376 таси аёллар муаммолари билан шўғулланади. Бу етарли эмас, албатта.

Ижтимоий шароити оғир аёлларни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни иш билан таъминлаш масалаларида бу ташкилотларнинг иштироки етарли даражада сезилмапти. Улар фақат номига йиғилиш ва тадбирлар ўтказиш билан машғул бўлиб қолмоқда.

Бу борадаги ахволини тубдан яхшилаш учун Сенат фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидаги масалаларга қаратилиши мақсада мувофиқ бўлар эди.

**Авалло**, оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маданий ҳаётда аёлларнинг иштирокини кенгайтириш бўйича қонун ижодкорлиги ва парламент назоратини кучайтириш лозим. Бунинг учун қандай янги қонунлар қабул қилиш, қайси қонунларни ўзгартириш кераклиги ҳақида фуқароларимиз, сайловчилар сиз, ҳурматли сенаторларимиздан аниқ тақдир ва тавсия кутмоқдалар.

Яна бир муҳим масала — аёлларни иш билан таъминлаш, хотин-қизларнинг замонавий касб-хунарларни пухта эгаллаш учун шароит яратиш, уларнинг ишбилармонлик қўнималарини ривожлантириш, хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб этишдан иборат.

Навбатдаги долзарб вазифа — аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, оилаларнинг тиббий маданиятини оширишда қўққиланиш, жойларда, хусусан, маҳаллаларда, хотин-қизлар ўртасида олиб борилаётган маърифий-тарбиявий ишлар самара-


дорлигини кучайтириш билан боғлиқ. Бу борада, айниқса, қиз болаларни ҳаётга тайёрлаш, уларни замонавий билим ва касб-хунарларга ўргатиш, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларига кенг жалб этиш орқали уларнинг қобилияти ва салоҳиятини ўрғига чиқариш муҳим аҳамиятга эга эканини, ўйлайманки, барчамиз яхши тушунамиз.

**Шулар қаторида** бизнинг меҳр-оқибатли, оққунгли аёлларимизга мутлақо ярашмайдиган салбий иллатлар, яъни, хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар, жумладан, жиноятчилик, одам савдоси, оилавий ажримлар, эрта никоҳларнинг, ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш доимий эътиборимиз марказида бўлиши зарур. Бу борада хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича мамлакатимиз ўз зиммасига олган халқро мажбури

Жаҳон куч марказлари ўртасидаги қалтис рақобат қуроли тўқнашувга айланиши мумкин...

# «Осиёда яхлит хавфсизлик ҳудуди яратиш учун нуфузли халқаро майдон»

## Муносабат



Акmal САИДОВ, академик

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган «Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаши»нинг (ОЖИЧК) бешинчи саммитида сўзлаган нутқда мазкур Кенгашига ана шундай таъриф берди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки аслида ҳам ушбу Кенгаш қитъамизда тинчлик, хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш ҳамда ҳамкорликни мустаҳкамлаш, мамлакатлар ва халқлар фаровонлигини оширишга қаратилган халқаро форумдир.

Бугунги кунда мазкур Кенгашга минтақа ҳудуди ва аҳолисининг 90 фоизини қамраган 27 давлат аъзо ҳисобланади. Шунингдек, қузатувчилари сафида 8 мамлакат ва 5 нуфузли халқаро тузилма, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Араб давлатлари лигаси, Халқаро меҳнат ташкилоти, Туркий тилли мамлакатлар Парламент Ассамблеяси бор.

Ўтган йилларда мазкур Кенгашнинг Қозғоғистон, Туркия ва Хитой раислигида тўртта саммити ўтказилган. Тожикистон раислигида ташкил этилган бу галги учрашув «Хавфсиз ва янада раванг топган минтақа сари ягона ёндашув» мавзусига бағишланди.

Осиё қитъаси жаҳон сиёсий майдонида алоҳида ўринга эга. Ҳозирги кунда ушбу қитъада 4,5 миллиард аҳоли истиқомат қилади. Келгуси 30 йилда аҳоли сони 2 баробар ўсиши кутилмоқда. Осиё иқтисодиёти глобал жаҳон иқтисодий фаолигининг 32 фоизини ташкил этади. Шу билан бирга, 2019 йилда бу қитъада ишсизлар сони 1,3 миллион кишига ошади. Дунёдаги камбағалларнинг учдан икки қисми Осиёга тўғри келади.

Осиё хилма-хиллик ва ранг-баранглик борасида алоҳида ажралиб туради. Ушбу қитъада 15 тил оиласига мансуб турли тиллар мавжуд. Осиё жаҳон динларининг ватанидир. Осиё давлатлари ўз сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий ривожланиш даражаси билан фарқланади.

Мамлакатимиз раҳбарининг Душанбе саммитидаги нутқида Осиё қитъасининг бугунги кун ва истиқболлари ҳамда геосиёсий аҳоли ҳақида атрофича фикр юритилди. Айниқса, улкан иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятга эга Осиё қитъаси мамлакатлари жиддий таҳдид ва хатарларга дуч келаётганига эътибор қаратилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев қайд этганидек, бу, аввало, экология, демография, миграция, ҳаёт ва таълим даражаси пастлиги муаммоларидир. Улар ижтимоий низоларнинг асосий манбаи, экстремизм ва терроризм мафқураси тарқалиши учун шароит яратадиган муҳитдир. Айниқса, ёшлар ўртасидаги радикаллашув жараёни ташвиш уйғотади.

Бугунги кунда «мамлакатлар ва халқлар ўртасида юзага келган ишонч инқирозини» бартараф этиш ва хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлида, биринчи навбатда, инсон капиталини ривожлантириш учун қўлай шароитлар яратиш талаб этилади. Зеро, «хавфсизлик бўлинмас, ишонч эса ана шу яхлит хавфсизликнинг фундаментал асосидир».

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва 2017 йилда тасдиқланган «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»нинг бешинчи устувор йўналиши «Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур уйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш» деб номланади.

Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири — бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, миллатлараро, динлараро, маданиятлараро ва фуқаровий ўзаро аҳилликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашдир. Бу борада мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида амалий ишлар қизгин тус олмақда.

Кейинги икки-уч йил оралигида мамлакатимизда Имом Термизий ва Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ислам цивилизацияси маркази ва Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолияти йўлга қўйилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идораси

ҳузурда «Вақф» хайрия жамоат фонди ташкил этилди.

Шунингдек, Самарқандда Қалом илми мактаби, Қашқадарёда Ақида илми мактаби ва Бухородаги Мир Араб олий мадрасаси ҳузурда Баҳоуддин Нақшбанд Тасавуф илми мактаби, Фарғонада Ислам ҳуқуқи мактаби, Самарқандда Ҳадис илми мактаби иш бошлади. Бу мактабларнинг фаолиятдан қўзланган асосий мақсад ислом динини чуқур ўрганиш ва унинг маърифатпарвар гояларини кенг жамоатчиликка, шу жумладан, оддий фуқароларга содда тилда етказишдир.

Дунё аҳолисининг 83 фоизи эътиқод эркинлиги чеklangанга эга. Ҳар бир қилган мамлакатларда истиқомат қилаётган ҳозирги қалтис замонда давлатимиз раҳбарининг «Жаҳолатга қарши — маърифат» гояси синдирилган бу каби ташаббуслари жаҳон ҳамжамияти томонидан қизгин кутиб олинмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида Президентимизнинг бир қатор муҳим халқаро ташаббуслари қўллаб-қувватлангани ва тўлиқ амалга оширилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

2018 йил 22-23 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми бўлиб ўтди. У Инсон

ган, унинг барча қатнашчиларининг яқдид позицияси ифода этилган «Тошкент декларацияси» Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича ўзига хос Дастур бўлди.

Ўзбекистон томонидан қўйилган бу муҳим амалий қадамларни, умуман, минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, Афғонистонни қайта тиклашга қўмаклашиш бўйича кўрилатган аниқ чора-тадбирларни жаҳон ҳамжамияти юқори баҳоламоқда.

Иккинчи ташаббус — ёшлар салоҳиятини рўйбга чиқариш учун қўлай ва зарур шарт-шароитлар яратиш, уларнинг радикаллашувига қарши курашиш ва сифатли таълим олиш имкониятларини кенгайтириш.

«Ўзбекистон фан, таълим соҳалари ва маданият-гуманитар йўналишдаги ҳамкорликнинг мувофиқлаштирувчиси бўлишга тайёр», деди Президентимиз. ШХТнинг Халқ дипломатияси маркази фаолият бошлади. Халқ дипломатияси доирасидаги алоқаларни, жумладан, туризм бўйича форумларни ташкил этиш орқали фаоллаштириш жуда муҳим. Бу халқларимиз ўртасидаги ишонч ва ўзаро англашувнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, маъ-

фатида ном қозongan.

Давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини, минтақамизда хавфсизлик, барқарорлик ҳамда аҳил қўшничилик муҳитини мустаҳкамлаш, жаҳон ҳамжамиятида юртимизнинг нуфузини ошириш йўлида диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни янада кучайтириш миллий тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида гоят муҳим аҳамият касб этади.

Тўртинчи ташаббус — ўзаро иқтисодий алоқалар ва минтақавий савдони ривожлантириш борасидаги сўй-ҳаракатларни кучайтириш.

Бунда, аввало, бутун минтақанинг транзит ва иқтисодий салоҳиятини тўлиқ рўйбга чиқариш имконини берадиган устувор инфратузилма лойиҳалари ҳақида сўз бормоқда.

Бу ҳақда фикр юритганда, Ўзбекистон Президенти халқаро ва минтақавий даражадаги барча мулоқотларда ҳар доим нафақат мамлакатимиз, балки бутун Марказий Осиё минтақаси ва Осиё қитъаси манфаатларини ҳимоя қилиб келаётганини алоҳида қайд этиш зарур. Давлатимиз раҳбарининг Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида илгари сур-



МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги раҳбарияти иштирокида «Уй-жой қурилишида сифатни назорат қилиш, қурилиш объектлари мустаҳкамлигини таъминлаш масалаларига бағишланган» матбуот анжумани ўтказилди.

## Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги уйлар нархи

ниманинг эвазига арзон бўлганига ойдинлик киритилди

Қурилиш вазирлиги масъуллари, инжиниринг компаниялари ходимлари, етакчи лойиҳалаштириш ташкилотлари вакиллари ва журналистлар иштирок этган тадбирда соҳага оид фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш бўйича жойларда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, янги лойиҳалар, мавжуд муаммолар хусусида маълумот берилди.

— 2017 йилда 28 минг 255 объект Давлат дастурига киритилган бўлиб, мазкур объектларда 75 минг 506 текширув ўтказилиб, аниқланган камчилик ва нуқсонлар бўйича 19 минг 756 ёзма кўрсатма берилди, — деди Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири ўринбосари, қурилишда сифат назорати инспекцияси бошлиғи Қозим Тўлаганов. — Шунингдек, ҳудудий назорат инспекциялари томонидан тасдиқланган режа асосида ижтимоий соҳа ва уй-жойларнинг қурилиш сифати бўйича доимий назорат ишлари олиб борилаётган. 2018 йилда 36 минг 938 объект Давлат дастурига киритилган бўлиб, уларда ўтказилган текширувларда аниқланган камчилик ва нуқсонлар бўйича тегишли ташкилотларга 17 минг 82 марта ёзма кўрсатма юборилди. Бундан ташқари, жорий йилда республикада ижтимоий соҳа объектлари, шаҳарларда қурилаётган кўп қаватли, кишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида қад ростлаётган уй-жойлар ва «Обод кишлоқ» дастурига киритилган 22 минг 717 объект мавжуд. Айни пайтда уларда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилаётган.

Тадбирда, шунингдек, мутахассислар жойларда сифатсиз ба- жарилган қурилиш-монтаж ишлари борасидаги ҳолатларга ҳам тўхталиб ўтишди. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаси бўйича 159 лудратчи ташкилотга нисбатан маъмурий ҳужжатлар тўплами тайёрланиб, маъмурий судларга юборилгани айтилди. 2017-2018 йилларда қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциялари томонидан олиб борилган текширувларда ҳам кўплаб камчилик ва нуқсонлар аниқлангани таъкидланди.

Матбуот анжуманида мазву бўйича журналистларни қизиқтирган саволларга вазирлик раҳбарияти ва мутахассислар жавоб қайтарди.

Жорий йилнинг 11 апрелида пойтахтимизнинг Сергели туманидаги янги уйлар нархи ошганидан аҳоли норози экани ҳақида хабар тарқалган эди. Шундан сўнг Бош вазир А.Арипов раҳбарлигида ҳукумат комиссияси ташкил этилди, Бош вазир фуқаролар билан учрашди ва янги уйлар нархи қайта кўриб чиқишини билдирди. Кейинчалик янги уйлар нархи арзонлаштирилгани айтилди. Шу боисдан журналистлар уйлар ниманинг эвазига арзонлаштирилгани ҳақида савол берди.

Ушбу саволга Қурилиш вазири ўринбосари, қурилишда сифат назорати инспекцияси бошлиғи Қозим Тўлаганов қуйидагича жавоб берди.


— Мен ўзим кўп йиллар қурилишда пудратчи бўлиб ишлаганман. Қурилиш қурувчининг «бошқа харажатлар», деган жойи бўлади. Уша жуда юқори бизларда. «Ушаҳар қурилиш инвест»да ушбу рақам 18,2 фоизга келтирилди. «Кишлоқ қурилиш инвест»да 15 фоизга яқинлашиб қолди. Унинг даромади ҳам, зарари ҳам ана шунинг ичида. Лекин Сергели туманида фуқароларнинг ҳолатини ҳисобга олиб, истисно тариқасида илтимос қилдик, қурилиш ташкилотлари ўзига тегадиган даромадни олмаслик ҳисобига нархлар арзонлашди. Албатта, бу вақтинча қўрилган чора. Уни ҳаммаёқда татбиқ этиб бўлмайди.

Яқинда Хитойда зилзила рўй берди, уйларнинг тез фурсатда қуриб битказилгани боис, 5 балли ер қимирлаши оқибатида уйлар хароб аҳволга келиб қолганига гувоҳ бўлдик. Аллоҳнинг ўзи асрагин-ку, ammo бизда ҳам шундай табиий офат рўй бергудек бўлса, шаҳарда қурилаётган янги кўп қаватли уйларнинг зилзилабардошлиги қанча? Бунақа ҳолатларнинг олдини олиш учун нима-лар қилинапти?

Қозим Тўлаганов уйларнинг зилзилабардошлиги хусусида фикрини билдирган экан, шундай деди:

— Тошкентда, республикамизнинг вилоят, шаҳар, туман марказларида қурилаётган кўп қаватли уйларнинг зилзилабардошлиги текшириб қўрилади. Яқинда пойтахтимизнинг Чинни завод олдига қурилган янги уйнинг биринчиси битач, 9 баллга силкиди. Мен шу уйнинг ичида турдим. Уйнинг силкиниши ваҳимали бўлди. Лекин буни қилишимиз шарт эди. Чунки эртага 9 балли ер қимирлағудек бўлса, кўнглимиз хотиржам бўлиши керак. Шунинг учун қимирламасин-ку, агар қимирлаган тақдирда ҳам 9 балли зилзилага дош бера олади.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганнинг 70 йиллигига бағишланди. Осиё форуми жаҳоннинг инсон ҳуқуқлари амалиётига Самарқанд руҳини олиб кириш йўлида улкан қадам бўлди.

Осиёда ўзаро ишонч муҳити, тинчлик ва хавфсизликни янада мустаҳкамлашга қаратилган муайян чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Давлатимиз раҳбари бу борада олтига янги ташаббусни илгари сурди.

Биринчи ташаббус — Осиё қитъасидаги ҳарбий можароларни ҳазил қилиш, айниқса, Афғонистондаги вазиятни тартиб солиш. Бу Осиё минтақасидаги барқарорликнинг муҳим омилidir.

Афғонистонда қирқ йилдан ортиқ вақт мобайнида давом этаётган танглик даврида вояга етган бутун бир авлод вакиллари онгида «қуруш маданияти» шаклланди. Эндиги вазифа «тинчлик маданияти»ни қарор топтиришдир.

Ўзбекистон ушбу қўшни мамлакатда тинчликка эришишга қаратилган ҳар қандай форматдаги музокараларни қўллаб-қувватлайди. Президентимиз бу борада Россия, Хитой ва Америка Қўшма Штатлари иштирокида Афғонистон бўйича уч томонлама учрашувлар натижаларини мамнуният билан қайд этди.

Бу бежиз эмас. Чунки Афғонистонда тинчлик ўрнатиш ва ушбу мамлакатда йirik инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш бутун минтақа учун янги стратегик имкониятлар эшикларини очди.

Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги нутқида ҳам таъкидлаганидек, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш нафақат минтақавий, балки глобал хавфсизликни таъминлашнинг муҳим шартидир.

Ўзбекистон Президентининг ташаббуси асосида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2018 йил 22 июнда «Марказий Осиё

навият ва маърифат, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият, миллий ўзлик ва азаалий қадриятлар бу кўхна замин одамлари кўнглида устувор бўлган илм ва маърифат, адолат ва одиллик, иймон ва олижаноблик, бағрикенглик ва мардлик, инсонпарварлик ва танглик каби улғу тасдиқлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан муносиб ўрин олган.

Маърифат ва бағрикенглик — энг катта қадриятимиз ва бу юксак маънавий қадриятларимизни асраш барчамизнинг бурчимиз. Энг эътиборли жиҳати шундаки, илк бор Ўзбекистоннинг тарихий бағрикенглик сиёсати билан замонавий ташқи сиёсати ўртасида чамбарчас боғлиқлик юзага келмоқда.

Шу нуктаи назардан, давлатимиз раҳбари ташаббуси асосида 2018 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг «Маърифат ва диний бағрикенглик» резолюцияси қабул қилинди. Бу ҳужжатнинг асосий мақсади — барчаннинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга қўмаклашишдан иборат.

Айни пайтда Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенция лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига давлат сиёсатининг ва халқаро ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралаётганини кўрсатади. Юртимиздаги сиёсий жараёнлар замонавий демократиянинг барча мезонларига тўлиқ жавоб беради.

Учинчи ташаббус — динлараро ҳам- жиҳатликни мустаҳкамлаш, маърифат ва маданиятларни ўзаро бойитиш масалалари бўйича тизимли мулоқотни йўлга қўйиш.

Хусусан, «Тошкентдаги Ўзбекистон ислом цивилизацияси маркази ва Самарқанддаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази бунинг учун самарали

ган амалий гоя ва тақлифлари ҳам бунинг ёрқин исботидир.

Президентимиз иқтисодиётта ШХТ доирасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг бирламчи мезони сифатида қараб, минтақамиз ва қитъа аҳолиси фаровонлигини ошириш, инсон капиталини ривожлантириш ва инновациялар соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга доир қўша лойиҳаларни ҳаётга чуқур татбиқ этиш зарурлигини таъкидлади.

Бинобарин, бунинг натижасида мамлакатларимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлиги ошади. Аҳоли, авваломбор, ёшлар учун янада кўпроқ янги иш ўринлари ташкил этилади. Айниқса, Ўзбекистон Президенти Марказий Осиё бундан кейин ҳам ШХТнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолиши зарурлигини таъкидлагани гоят аҳамиятлидир.

Чунки бугунги кунда минтақамиз нисбатан барқарор, ишончли ва иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам бўлиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, кенг миқёсдаги ҳамкорликни ривожлантириш, муҳим минтақавий лойиҳаларни илгари суриш учун қўлай шароит ва ноёб имкониятлар яратади.

Бешинчи ташаббус — шерикликни бизнес даражасида ривожлантириш. Бундай замонавий ёндашув барқарор иқтисодий тараққиёт драйвери ҳисобланади. Ҳамкорлик концепциясига мувофиқ, Ўзбекистон Президенти ушбу соҳада Кичик бизнес бўйича минтақавий форум таъсис этишни тақлиф қилди.

Олтинчи ташаббус — Орол инқирози оқибатларини бартараф этиш учун сўй-ҳаракатларни бирлаштириш.

Чиндан ҳам, бугунги кунда тобора кескин тус олаётган экологик хатарлар хавфсизлик ва барқарор тараққиётга жиддий таҳдид солмоқда. Орол муаммоси глобал миқёсдаги экологик ва гуманитар ҳалокат сифатида алақачон Оролбўйи аҳолиси генофонди, ҳаёти ва соғлиги билан боғлиқ аянчли оқибатларга олиб келди.

Давлатимиз раҳбарининг фикрича, Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ шафелигида донорлик маблағларини жалб қилиш ва Оролбўйи минтақасида аниқ лойиҳаларни амалга ошириш учун кўп шериклик асосидаги Траст фонди ташкил этилгани диққатга лойикдир.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги кунда инсоният жаҳон куч марказлари ўртасида рақобат кучайиб бораётганининг гувоҳи бўлиб турибди. Айрим экспертлар ҳатто ушбу қалтис рақобат ошқорла қуроли тўқнашувга айланиб кетиши мумкинлигини ҳам инкор этмапти.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, шундай глобал хатарлар мавжуд бўлган вазиятда «Осиё минтақасидаги ҳамкорликнинг мавжуд динамикасини сақлаб қолиш муҳим. Ҳамкорликда изланиш ва ўзаро манфаатли қарорлар қабул қилиш тинчлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлаш сингари эзгу мақсадларимизга эришиш имконини беради».

Экология, демография, миграция, ҳаёт ва таълим даражаси пастлиги муаммолари ижтимоий низоларнинг асосий манбаи, экстремизм ва терроризм мафқураси тарқалиши учун шароит яратадиган муҳитдир. Айниқса, ёшлар ўртасидаги радикаллашув жараёни ташвиш уйғотади.

минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш» резолюцияси тасдиқланди.

Шунингдек, 2018 йилнинг март ойда Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент конференцияси ўтказилди. Конференция якуни бўйича қабул қилин-

платформа бўлиб хизмат қилиши мумкин», деди давлатимиз раҳбари.

Бу йўналишда Ўзбекистон тажрибаси намуна учун ҳар томонлама муносиб, деган фикрдаимиз. Чунки Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган юртимиз азалдан турли миллатлар, динлар, тиллар, маданиятлар ўзаро бирлашган, бағрикенг инсонлар яшайдиган барқарор замин си-

мустаҳкамлаш, жамиятида юртимизнинг нуфузини ошириш йўлида диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни янада кучайтириш миллий тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида гоят муҳим аҳамият касб этади.

Тўртинчи ташаббус — ўзаро иқтисодий алоқалар ва минтақавий савдони ривожлантириш борасидаги сўй-ҳаракатларни кучайтириш.

Бунда, аввало, бутун минтақанинг транзит ва иқтисодий салоҳиятини тўлиқ рўйбга чиқариш имконини берадиган устувор инфратузилма лойиҳалари ҳақида сўз бормоқда.

Бу ҳақда фикр юритганда, Ўзбекистон Президенти халқаро ва минтақавий даражадаги барча мулоқотларда ҳар доим нафақат мамлакатимиз, балки бутун Марказий Осиё минтақаси ва Осиё қитъаси манфаатларини ҳимоя қилиб келаётганини алоҳида қайд этиш зарур. Давлатимиз раҳбарининг Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида илгари сур-

# Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаолиятида қисқа фурсатларда янгилик, ўсиш кузатилиши лозим.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

## «ИШИМИЗДА ЎЗГАРИШ БУГУН СЕЗИЛИШИ КЕРАК»



Улуғбек ИНОЯТОВ, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси:

— Энг аввало, Президентимизнинг Олий Мажлис Сенатининг ялпи мажлисидаги нутқида бугун мамлакатимизда амалга оширилган ислохотлар танқидий таҳлил қилинди. Барча вазирлик, идора ва ташкилотлар олдида турган вазифаларга тўхталиб ўтилди.

Президентимиз ўз нутқида фаолиятининг дастлабки кунларида халқ вакиллари билан барча муҳим вазифалар қаторида икки муҳим масалага алоҳида аҳамият қаратишга қарай олиганини таъкидлади. Уларнинг биринчиси тинчлик ва осойишталикни сақлаш бўлса, иккинчиси аҳоли соғлиғини муҳофаза қилишдир. Барчамизга маълумки, бу икки соҳада ўзгаришларга, ижобий натижаларга эришилса, жамиятдаги муҳит ҳам кўнглидагидек бўлади. Президентимиз парламент аъзоларига катта ишонч билдириб, Қонунчилик палатасига — соғлиқни сақлаш, Сенатга эса икки ишлар органлари тизимида ислохотларни амалга оширишда бошчилик қилишни тақдир қилди. Энди бир уйлаб қурайлик, ишонч қай даражада оқланди? Аҳоли амалга оширилаёт-

ган ишлардан қончиқаримиз? Мана шу саволларнинг жавоби фаолиятимизга берилган баҳо бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш кераки, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаолиятида қисқа фурсатларда янгилик, ўсиш кузатилиши лозим. Бунинг учун эса аниқ, таъсирли чора-тадбирларни амалга ошириш керак бўлади.

Биринчидан, биз халқдан узоқлашмаслигимиз керак. Бунга йўл қўйган раҳбар, идора ёки ташкилот ютказиши тайин. Шу жиҳатдан олиб қараганда, кечаги фаолиятимиз, камчиликларимиздан тўғри хулоса чиқаришимиз, эртанги ишимизни ҳам шунга қараб режалаштириш талаб этилади.

Иккинчидан, хотин-қизлар масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилиши муҳим. Жамиятнинг негизини оила ташкил этади. Оила фаровонлиги эса кўп жиҳатдан оила-сингилларимизнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашига боғлиқ. Шундай экан, Сайловолди дастурини тайёрлашда ҳам мазкур жиҳатга жиддий эътибор қаратилса, мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлайман. Маҳалладошларнинг муаммосини билиб, бефарқ ўтиб кета олмайдиган, жонкуяр оила-сингилларимиз партияимиз саҳифа бўлишига эришиш яқинлашаётган сайловда муваффақиятимизни таъминлашига ишонаман.

Учинчидан, туман миқёсида ҳал бўладиган муаммолар ечимни туман Кенгашига сайланадиган депутатларимиз Сайловолди дастурларидан жой олиши мумкин. Шу орқали сайловчиларнинг эътиборини жалб этиш мумкин. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатиладиган номзодларда ҳам мазкур йўналишларга эътибор қаратилса, айни мuddада бўларди.

Бугун зиммамизга юкланаётган вазифалар ижроси ҳар биримиз ўз вазифамизни ҳалол, виждонан, энг муҳими, вақтида бажаришимизга боғлиқ.



Алия ЮНУСОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Сиёсатда аёллар керакми? Бугунги кунда ушбу саволнинг жавоби муҳокамалигича қолмоқда. Сабаби кўпчилик ҳануз гўёки аёл-сиёсатчи образини фақат хотин-қизларгагина ҳос



Сайёра ФАЙЗИЕВА, Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси:

— Маърузани тинглаб, хотин-қизларга қаратилаётган катта эътиборни яна бир бор ҳис этиб, жамиятдаги фаол аёллардан бири эканидан гурурландим. Президентимиз маърузасида айни вақтда республикамизда давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 минг 400 га яқин аёллар раҳбарлик лавозимларида ишлаётганини айтилди. Хотин-қизларимиз орасидан Олий Мажлис Сенатидан — 17 нафар сенатор, Қонунчилик палатасида — 21 нафар депутат фаолият олиб бормоқда. Маҳаллий Бен-

бўлган хусусиятлар, қизиқишлар ва ўй-хаёллар бошқаради, деб баҳолайди. Лекин бу фикрлар фақатгина бир ёқламали, деб ўйлайман. Ҳеч кимга сир эмаски, айнан сиёсатчи аёллар хотин-қизларнинг жамият ҳаётида ҳамда сиёсатда фаолликка қорлайди, самарали тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боради.

Президентимиз нутқида хотин-қизлар манфаатлари ҳимоясига алоҳида эътибор қаратилгани ҳам бу фикр тўғрилигини исботлаб турибди.

Бугун амалдор аёлларга эътибор бор. Зотан, улар ўзгаришларнинг ҳолис баҳоловчисига сифатида эътироф этилади ва майдонга чиқади. Бошқача айтганда, раҳбарлик тизими шундай йўлга қўйилиши кераки, бу жараён жамиятда аёллар нуфузини оширишга хизмат қилсин. Яъни, бир аёлга берилган эътибор, имконият ва юсак лавозим, бугун бир жамиятга қаратилган эътибор, ўзаро тенглик тушунчаларини ифодалайди. Муҳими, амалда

ҳам мана шунга эришиш зарур. Аёлларнинг ҳокимият бошқарувидаги иштироки мувозанатлаштирувчи омил бўлиб, бу нисбатан тез ривожланаётган мамлакатлар тажрибасида синовдан ўтган. Масалан, бошқарувда 30-40 фоиз хотин-қизларни ташкил этувчи мамлакатлар барқарор ривожланиш йўлидан бормоқда.

Биргина бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги қонунчиликни олайлик. Жаҳон тажрибасидан маълумки, қонун чиқарувчи органларда 10 фоиздан кам аёллар ўрни бўлган жойларда бола ҳуқуқлари билан боғлиқ қонун лойиҳаларини яратиш, ишлаб чиқишда муаммолар юзга келади. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Демак, бу амалиётни қўллаб-қувватлашимиз, хотин-қизлар сафини кенгайтиришимиз керак. Чунки улар реал ҳаётдаги воқеликларга ҳолис баҳо берувчи, муаммоларни яхши ҳис қила оладиган кишилардир.

Тошкент вилоят партия кенгаши раиси бўлганимга уч ойдан ташкил этади. Юртимиздаги турли корхоналарда ишлаётган раҳбар аёллар сони ҳам йил сайин ўсиб бормоқда. Бу кўрсаткич 2017 йили 44,2 фоизни ташкил этган бўлса, жорий йилда 45,3 фоизга етган. Эндиги вазифа эса уларнинг сафини янада кенгайтириш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, оила-сингилларимизнинг жамиятдаги фаоллигини оширишдан иборатдир.

Нутқни қайта-қайта ўқиб чиққан, бир савол ҳаёлимга келди. Президент нима учун хотин-қизлар масаласига бунчалик катта эътибор қаратди. Демак, бу жуда долзарб вазифа. Мазкур йўналишдаги бугунги ишларимиз талабга жавоб бермаяпти. Хотин-қизларга эътибор кучайтирилса, кўп муаммоларига ўз-ўзидан ечим топилади.

### Замон шиддат билан ривожланиш, ҳар бир ташкилот, идора раҳбари-ю ходимларидан ҳам ана шу шиддат талаб қилинмоқда. Бир соат ёки бир кун тин олдингми, демак, шунча мuddат бошқалардан ордасан.

муҳим вазифалар, гоғлар илгари сурилди. Демак, вазифалар аниқ, бу вазифалар оддий вазифалар эмас, муҳим вазифалар. Президент қўйган вазифалар. Маълум мuddат ўтган, уларнинг ижроси сўралади.

Энг асосий савол шундан иборатки, бу вазифалар ижросини қандай таъминлаймиз? Қандай йўл, қандай механизмлардан фойдаланамиз? Кимларга, нима-ларга сунамамиз?

Албатта, бу борада парламент катта тажрибага эга. Президент нутқида илгари сурилган ҳар бир вазифа бўйича ҳаётини режалар, дастурлар ишлаб чиқилди.

Шу ўринда айрим тақдир ва мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

Дастабки вазифа — нутқда илгари сурилган гоғлар, масалалар маъно-маъмуини халқимизга кенг тушутиришимиз керак. Бу ишларда депутатлар фаол бўлиши талаб этилади. Газеталаримизда махсус рунқлар ташкил этиб, нутқдаги ҳар бир масалани шарҳлаб беришни йўлга қўямиз.

Бироз вақт ўтган, бу вазифалар ижроси тўғрисида аҳолига ахборот бериб бериш лозим бўлади. Нима ишлар қилинаётганини халқимиз ўз вақтида билиши муҳим аҳамиятга эга. Бунда Барча ОАВ имкониятларидан фойдаланиш зарур.

Олий Мажлис депутатлари парламент назоратини олиб боришида, маслаҳатлашиб, партиялар матбуоти вакилининг иштирокисини изчил йўлга қўйсак, яхши самара беради. Депутат эшитиб ёки интервью олиб ёзган бошқа, журналист ўз кўзи билан кўриб, ўз қулоғи билан эшитиб ёзгани бошқа.

Имкониятдан фойдаланиб айтмоқчиман, мамлакатда, жаҳонда бирор воқеа-ҳодиса рўй

берса, аксарият ҳолларда оддий одамлар биринчи бўлиб, ижтимоий тармоқларда ўз фикрини билдирмоқда. Тахририятларимизда кўнгирак қилиб, тақдир билдиришмоқда. Бу кишини қувонтирадиган ўзгариш, жамият фикрлашга ўтди, демак жамият ривожланади. Аммо бу масалаларда депутатларимиз фаол бўлиши керак, халқ вакили сифатида биринчи бўлиб, улар муносабат билдириши керак, деб ўйлайман.

Депутатларга айтилди: Жойларга бориб, ҳоким, прокурор, ички ишлар бўлими, солиқ раҳбарлари фаолиятини ўрганилсин, камчилик бўлса, очик айтилсин, муносабат билдирилсин, дейилди. Депутатларимиздан қанча-чи бу масалаларни матбуотда кўтариб чиқди? Назаримда бу масалада қатъийроқ бўлишимиз керакка ўхшайди.

Ҳозир биз муҳокама қилаётган масалаларни ҳар бир вилоят, туман, шаҳар ва бошланғич ташкилотларда ҳам кўриб чиқиш керак. Қўйилаётган талаб ва вазифалар аҳамиятини қўйи ташкилотлар яхши англамаса, қўзланган мақсадга эришиш қийин.

Бу вазифалар ижроси ҳар биримиз қай даражада хулоса чиқариб олишимизга, фаоллик ва фидойилигини, масъулият ва бурчини қай даражада англаётганимизга боғлиқ бўлади...

Кун тартибидан ўрин олган масала юзасидан билдирилган тақдирлар асосида партия ташкилотлари ва фракция фаолияти бўйича тизимли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Маҳлиё АЛИҚУЛОВА, Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбирлари.

Ўзбекистон ривожланишининг янги босқичига кўтарилмоқда. Барчамиз бунга гувоҳимиз ва шу жараёнда иштирок этмоқдамиз. Ислохотларнинг қанчалик ижобий натижа бериши раҳбарларнинг тажрибаси, ўзига юклатилган вазифани теран англаши, замонавий бошқарув илмидан хабардорлигига боғлиқ, албатта.

## Парламентнинг таъсир кучи ошмаса, тараққиёт бўлиши қийин



Мақсуда БОРИСОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:

Мамлакат Президенти Олий Мажлис Сенатининг ялпи мажлисида халқ ноибларига мурожаат қилар экан, жамиятнинг ҳар бир соҳасидаги ҳолатни танқидий таҳлил қилди. Халқ вакиллари — депутат ва сенаторларнинг ўрни ва вазифалари ҳақида чуқур фикрлар билдирилди.

Худудларни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш бўйича тузилган «йўл хариталари»да белгиланган вазифалар, қонунлар ижроси назорати, халқни қийнаб турган муаммолар депутат ва сенаторларнинг қудалик масъулиятига айланиши керак. Масалан, маҳаллий бюджетни шакллантириш ва тўғри сарфланишини таъминлаш масалаларини ижро органларига етказиш ҳам муҳим ҳисобланади. Худудлардаги ижро органлари раҳбарлари ўз соҳалари бўйича сидқидилдан меҳнат қилса, иқтисодий барқарорликка эришиш ва ижтимоий ривожланиши амалга ошириш мумкин. Бунинг учун парламент катта таъсир кучига эга бўлиши лозим.

Жамиятимизда депутатларнинг ўрни кучайиб борар экан, сиёсий партияларнинг ҳам масъулияти ошиб бориши, миллий парламентаризм талаблари кучайиши табиий ҳолатдир.

Жамиятимизнинг турли соҳаларидаги ислохотлар натижасида эришилган ютуқларни эътироф этган ҳолда, жамиятни янада демократлаштириш, бошқарувни такомиллаштириш масаласи долзарблигича қолдирганини таъкидлаш жоиз. Яъни жамиятнинг ривожидан ва уни бошқаришда сиёсий партиялар ролини ошириш лозим.

Маълумки, сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги аҳамияти ўсиши уларнинг сиёсий куч сифатида майдонга чиқа олиши имкони бор-йўқлиги билан белгиланади.

Демократия ривожланишида яна бир йўналиш сиёсий кучлар ўртасида ҳокимиятни қўлга киритишда бўладиган курашлар билан боғлиқдир. Сиёсий партиялар ўртасида ҳокимият учун бўладиган курашдаги бош йўналиш қайси партия умумий тараққиётга қандай ҳисса қўша олади, оддий фуқаро ҳаётининг яхшиланишига қаратилган қандай аниқ дастурга эга, уни амалга ошириш имкониятлари борми, деган саволлар асосида аниқланади. Албатта, бу саволларга жавоб бериш осон эмас. Жамият муаммоларини яхши биладиган, фуқаро қалбига йўл топа оладиган сиёсий партиягина бундай шарафли имкониятни қўлга киритиши мумкин.


Президентимиз нутқларининг катта қисми жамиятда аёлларнинг ўрни ва мавқеини кўтариш масаласига қаратилди.

Тарихий манбалардан маълумки, аёлларни эъзозлаш халқимизга хос хусусият бўлиб, шарқона қадрият даражасига кўтарилган.

Лекин жамият ривожининг турли босқичларида аёлларга хилма-хил муносабат билдирилган. Жамиятимиз аъзоларининг яримдан кўпрогини ташкил этадиган аёлларимиз бугунги кунда раҳбарлик лавозимларида, жумладан, парламентда озчиликни ташкил этади. БМТ бош котиби Антонио Гутерришнинг аёллар ҳақида айтган қуйидаги фикри муҳим хулосалар учун асос бўлади: «Қаердаки сиёсий ва ижтимоий ҳаётда хотин-қизлар фаол иштирок этаётган бўлса, ўша жойда иқтисодий ўсумоқда, барқарорлик мустаҳкамланмоқда ва фуқароларнинг фаровонлиги юксалмоқда».

Жамиятда йиллар давомида тўпланиб қолган ижтимоий муаммолар, айниқса, аёллар муаммоларига ечим топиш учун парламентнинг ҳар икки палатасида аёллар ва гендер тенглик масалалари бўйича қўмита ташкил этиш тақдир этилди. Сенат раислигига аёл киши номзоди илгари сурилгани хотин-қизларга эҳтиром ва юсак ишонч намунаси, деб қабул қилинди.

Умуман, Президентнинг Сенат мажлисидаги нутқи парламентга йўлланган Мурожаатнома-нинг узвий давоми бўлгани, халқ ноиблари олдида турган ўта долзарб вазифаларни белгилаб бергани билан қадриги ва аҳамиятидир.



Комила КАРОМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Шубҳасиз, бу маъруза ҳаммамизни, ҳар биримизни чуқур мушоҳадага қорлади, ишончини оқлаётганимни, вазифамни удалаялганми, деган саволларни кўндаланг қўйди. Бу очик, ошқорна мулоқот ҳар биримизни бир қадар хушёр тортирди. Хусусан, парламент, фракциялар ҳамда сиёсий партиялар фаолиятидаги камчиликларни бартараф қилиш, сайловчилар ишончини қозониш юзасидан аниқ тақдирлар билдирилди. Бундан ҳар бир депутат ўзига тегишли хулоса чиқариб олди, деб ўйлайман.

Сайловолди дастурини бажаришда фракцияимиз ташаббус ва ташкилотчилик имкониятларидан етарлича фойдалана олмади, деб ўйлайман. Сайловолди дастуримизда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари доимо эътиборимизда бўлиши таъкидланган. Ўзбекистон ХДП фракциясининг чора-тадбирлар режасида бу масала юзасидан аниқ вазифалар ҳам белгиланган. Аммо имконияти чекланган болаларнинг таълим олиши ва ижтимоий интеграцияси тўғрисидаги, психиатрия ёрдами тўғрисидаги, иссиқлик таъминоти тўғрисидаги қонун лойиҳалари бўйича ишларимиз охирига етказилмади. Демак, фракциянинг қонун ижодкорлиги фаолияти етарли даражада бўлмади. Хуқуқий тартибга солишда камчиликлар мавжуд бўлган долзарб соҳа ва тармоқлар аниқлангани ҳолда, янги қонун лойиҳалари ишлаб чиқилмади.

Жойларда ҳали-ҳануз соғлиқни сақлаш, таълим тизимидаги муаммолар ўз

ечимини топмаётгани аниқланди. Шунингдек, кам таъминланган оилалар, ногиронлар манфаатлари билан боғлиқ қатор масалалар кўтарилмоқда. Ногиронликни белгилашдаги муаммолар аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётгани ўрганилди. Фракция аъзолари вазирликларга парламент сўров юборди, парламент эшитувлари ўтказилди. Аммо қарорлар ижроси назорат қилинмади. Такрор айтаман, фаолиятимизда камчиликлар борлигини тан оламиз. Жойларда аҳоли, хусусан, электротизимини безовта қилаётган муаммолар ўз ечимини кутмоқда. Кам таъминланган оилаларни уй-жой билан таъминлаш, бандлик масалаларида, пенсионерлар, боқувчисини йўқотганлар, яққа-ёлғиз қариялар билан олиб бораётган ишларимиз талаб даражасида эмас. Ижтимоий дорихоналар фаолияти ҳам аҳолини қониқтирмаяпти. Шундай экан, электротизимини манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятимизни янада жонлантиришни замоннинг ўзи тақозо қилапти.

Муаммо ва камчиликларни бартараф этиш чораларини қўриш баробарида, уларнинг юзга келишига сабаб бўлаётган омилларни ҳам чуқур ўрганиш, муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун депутатлик бирлашмалари ишини янада кучайтириш, парламент ва депутатлик назорати, депутатлик сўрови, тегишли давлат идоралари раҳбарлари ахборотларини эшитиш каби ваколатлардан фойдаланиш амалиётини кучайтириш зарур.

Қонуннинг бирдан-бир манбаи ва муаллифи том маънода халқ бўлиши шарт, деган фикрдан келиб чиқиб, ҳар бир қонун лойиҳаси юзасидан фикр ва тақдирларни қуйдан, фуқаролардан, жойлардаги халқ депутатлари Кенгашларидан олиш тартиби жорий этилди. Аммо бунда ҳам изчиллик йўқ. Демак, фракция маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорликни амалда янада кучайтириши керак.

Президентимиз аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масаласига алоҳида тўхтади. Айтиш кераки, аёл ўзидан ўзи сиёсий фаол кучга айланади. Бунинг учун мамлакатимизда қонунчиликнинг хуқуқий асослари яратилган. Биз уларни тарғиб қилишимиз, аёллар муаммоларини ўрганишимиз керак. Демак, партияимиз, маҳаллий Кенгашлар, депутатларимиз сафарида аёлларни қўлайтириш учун «Фаол аёллар» қаноти фаолиятини янада жонлантиришимиз лозим бўлади. Депутатлик корпусларида аёллар сафи кенгайиши шунга ҳам боғлиқ, деб ўйлайман.



Сафар ОСТОНОВ, «Ўзбекистон овози» газетаси Бош муҳаррири:

— Президентимиз нутқида аввало Сенат фаолиятидаги бугунги камчиликлар нималардан иборат экани ва уларнинг сабаблари аниқ кўрсатиб ўтилди. Бу камчиликлар Қонунчилик палатасига ҳам, барча сиёсий партияларга ҳам дахлдорлигини яхши англаб турибмиз.

Иккинчидан, мамлакатимиз миллий тараққиётининг ҳозирги босқичида, оддий қилиб айтганда, бугун Сенатор ва депутатлар зиммасида турган долзарб вазифалар белгилаб берилди. Ўзбекистоннинг бугунги ижтимоий-сиёсий ҳаётида миллий Парламентаризмин ривожлантириш, қонун ижодкорлиги билан бирга таъсирчан парламент назоратини олиб бориш, давлатимизнинг халқаро майдонда о бўрсини ошириш каби ўта муҳим ва долзарб вазифалар кун тартибига қўйилди. Айниқса, хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўйича

▲ Давоми, бошланғич 1-бетда.

Тан олиш керак, сўнги 25 — 30 йил ичида олий таълим тизимида таълим — тарбия салоҳияти пасайиб кетди.

# «БИЗ ЭРТАНГИ КУН МУТАХАССИСИНИ ТАЙЁРЛАШИМИЗ КЕРАК»

## МУНОСАБАТ



Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори Аважон МАРАҲИМОВ:

— Президентимизнинг 2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетда талаба юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қароридан тизимдаги камчиликлар танқидий таҳлил қилинган ҳамда таълим-тарбия ишларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари белгиланган.

Университетимизга Президентимизнинг 2019 йил 24 майдаги ташрифи тарихий воқеа бўлди. Биз ҳозиргача университетимизнинг тарихи, эришган ютуқлари билан мактанб юраемиз. Лекин, тан олиш керак, сўнги 25-30 йил ичида олий таълим тизимида таълим-тарбия салоҳияти пасайиб кетди. Тайёрлаётган кадрларимизнинг билими, савияси, малака кўникмаларидан ўзимиз ҳам, иш берувчилар ҳам қониқмаяпти. Биз бу камчиликларни тузатиш учун нима иш қилдик? Университетда кейинги 10-20 йил ичида қандай илмий мактаблар яратилди? Қайси йўналишларда, тадқиқотларда натижаларга эришдик? Тайёрлаётган кадрларимизнинг салоҳиятида қандай ўсиш бор?

Бу саволларга бугунги кунда бирортаммиз жўяли жавоб беролмаймиз. 1990 йилдан буён ўқув режалари, фан дастурларини ўзгартириб, уларни яхшилашга ҳаракат қилдик, лекин эски қўлипдан чиқиб кета олмадик. 4 йилда нечта фан ўқитилди, битта талаба нечта фани ўзлаштираётми? Уларнинг ҳафталик юкламаси қанча бўлиши керак?

Бугун биотехнология, нефть кимёси, нанотехнологиялар, сунъий интеллект, нейроинформатика, квант компьютерлари каби замонавий лойиҳалар юртимизга кириб келмоқда. Қўёш ва атом электр энергиясидан фойдаланилмоқда. Мазкур соҳаларда кадрлар тайёрлаш ишлари қонир қилмас. Бунақада, 5-10 йилдан кейин аҳолимиз қандай бўлади?

Халқаро марказ таҳлилларига кўра, 2035 йилга бориб, меҳнат бозоридаги рақамли технологиялар малакасига эга бўлган кадрларга эҳтиёж қарийб 70 фоизни ташкил қилар экан. Биз рақамли технологиялар борасида қандай кадрлар тайёрламаямиз?


Қарорда шу масалалар алоҳида таҳлил қилиниб, аниқ вазифалар белгилаб берилган. Нафақат, вазифалар, йўналишлар, уларни амалга ошириш механизмлари қадамма-қадам кўрсатиб берилган. Қарор билан тасдиқланган 9 устувор йўналиш, алоҳида дастурлар белгиланди. Кейинги 5 йил ичида ана шу вазифалар амалга оширилса, Миллий университет тайёрлаётган кадрларга меҳнат бозорида эҳтиёж зарур бўлган университетга айланади. Қарорда ушбу масалалар чуқур таҳлил қилиниб, аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Университетимизга янги ўқитиш технологияси, янги таълим йўналишлари кириб келяпти. Энг муҳими, дунё тан олган олимлар ўзбек талабаларига дарс берапти. Ломоносов номидаги Москва давлат университети билан биргаликда иккиёқлама диплом бериладиган, қўша дастур асосида 2 та мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлашни бошладик. 3 нафар талабамиз ана шу йўналиш бўйича ўқияпти. Ўқув режаси, фан дастурини бутун дунё тан олган Исроил университетидан олдик. Ўқув лабораторияларини ривожлантиришнинг биринчи босқичида 6 миллион доллар ажратиладиган бўлди.

Профессор-ўқитувчиларимиз ижод қилиши учун етарли шарт-шароит яратилиши керак. Талабаларга таълим-тарбия берадиган ёш оиналарининг уй-жойи бўлса, хотиржам бўлади, илмида, ишида барака, ривож бўлади. Ҳозир, аспирантлар, докторантлар уйи каби 6 та уй қурилмоқда. Бундан ташқари, талабалар турар-жойи ҳам қайтадан таъмирланади. Энг замонавий спорт комплекси талабалар шаҳарчасида қурилади. Буларнинг ҳаммаси олимлар, педагоглар, талабалар учун. Энди бизга билдирилган ишонч, имтиёз ва имкониятлардан фойдаланиб, рақобатбардош кадрларни тайёрлашни йўлга қўйишимиз керак.

Олимлар кадрини топди. Ҳозирга қадар жамиятнинг энг пешқадам одами ким эди? Савдогар, бизнесмен. Чунки қанақа йўл билан бўлмасин, пул топган одам олдинда эди. Энди зиёлиларимизга, олимларимизга эътибор қаратилмоқда, уларнинг меҳнати эъзоз топмоқда.

Қарорга эътибор берган бўлсангиз, профессор-ўқитувчиларнинг моддий таъминотида алоҳида эътибор берилляпти. Энди фан доктори 60 фоиз устама ҳақ олади. Фан номзоди учун 30 фоизгача ойлик маошига қўшиб бериш белгиланди.



Мана шу қўшилган устама ҳақларини ҳисоб-китоб қилиб кўрдик. 1 сентябрдан бошлаб фан доктори, профессор 11 миллион 264 миң сўм олар экан. Ёш олим, фан номзоди 8 миллион сўмдан ошқ мазош оладиган бўлади. Шу вақтгача ҳеч қайси соҳада бунақанги катта маош бўлмаган. Биласизми, 2018 йилда фан доктори, профессорларнинг ойлик маоши 2 миллион сўмга ҳам бормас эди. Ҳозир улар 6 миллион сўм олади. 1 июльда 7, 1 сентябрдан 12 миллион сўм бўлади.

Биз эртанги кун мутахассисларини тайёрлашимиз керак. Тўғри, университетда талабаларга аниқ фанлар чуқур ўргатилади. Математика, физика, биология соҳасида фундаментал билимларга эга бўлган кадрлар кўп. Лекин уларда муҳандислик, аналитик тадқиқот, фикрлаш, яратувчанлик малакаси йўқ. Улар физикани, кимё қонунларини яхши билди. Нанотехнологияларни ўрганапти. Лекин эртанги янги технологияларни ким яратади?

Тошкент давлат техника университети, Тўқимачилик институти ва бошқа олий ўқув юртлари инженер-муҳандислик йўналиши талабалари фикрлаш малакасига ўргатиляпти, улар бор технологиялардан самарали фойдаланади. Лекин мутлақ янги, эртанги кун технологияларини экспорт қилишни қачон бошлаймиз? Фармацевтика соҳасида синтез қиладиган реакторни чет элдан сотиб оламиз. Ушани яратадиган тадқиқотчи олим бизда топилмайдими? Топилди, фақат унга шароит яратиш керак.

Шунинг учун университетда муҳандислик тадқиқотлари факультети очилади. Уни хориждаги нуфузли университет билан бирга йўлга қўямиз. Магистрларни, ёш ўқитувчиларимизни тажриба орттириш учун энг кучли университетларга малака оширишга юборамиз. Ҳозирдан буни режалаштиряялми. Бундан ташқари, фундаментал биокимё факультетини ташкил этамиз. Бу мутахассисларни тиббиёт институтида тайёрлаб бўлмайди. Амалий математика ва интеллектуал технологиялар факультети очилади.

2018 йил сентябрдан то ҳозирга қадар 6 нафар ёш олим чет элда малака ошириб келди. Чехияда ўқиб, Малайзия ва Германия университетларида 5 йил давомида талабаларга дарс берган Ҳаким Собиров ҳозир бизда ишляпти. Ўзбек-исроил факультети декани ўринбосари, Сарбонна университетида таълим олган ёш олимни ишга олдик. Фан доктори, Германияда компьютер хавфсизлиги бўйича фан докторлигини химоя қилган олимимиз ҳозир талабаларимизга дарс берапти. Уларнинг сони янада кўпаяди.

«Эл-юрт умиди» жамғармаси орқали ҳар йили камида 50-60 нафар профессор-ўқитувчи чет элдаги олий таълим муассасаларида ўз малакасини ошириб келишига имкон яратилди. Ўқитувчи ҳар 3 йилда хорижда амалиёт ўтаса, илгор технологиялар билан танишади, уларнинг ютуқ ва камчиликларини ўрганади ва қайтиб келиб, талабаларга ўргатади. Докторантлар илмий тадқиқотларини шу йўналишда олиб боради, диссертация мавзусини ҳам ушандан келиб чиқиб белгилайди. Бу бўйича алоҳида дастур қабул қилинапти.

Замон ўзгарапти, дунёқарашлар ўзгарапти. Бугунги кун ўтди, эртага бир гап бўлар, деган эскича муносабатлардан воз кечиш пайти келди. Агар воз кечолмасак, ўрнимизни мардларча бўшатиб берайлик. Бу жойга муносиб инсонлар келсин. Мен бугун бошқача ўйлашим, бошқача ишлашим керак. Проректорлар, деканлар, кафедра мудири, умуман, ҳар биримиз замондан, тараққиётдан орқада қолмаслигимиз лозим. Бўлмаса, тарих бизни кечирмайди.

«Тараққиёт стратегияси» марказида Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши ёш тадқиқотчилар иштирокида форум ўтказди.

— Бугун гоғлар, янгиликлар мамлакатнинг ривожланиш даражасини белгилаб бераётгани ҳеч кимга сир эмас, — деди Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Ҳайдар Бобохонов. — Партия фаоллари ва илмий тадқиқот олиб бораётган ёшлар, олимлар иштирокида ташкил этилаётган илмий-амалий конференция ҳам партияимизнинг янги фикрлар, хилма-хил қарашлар воситасида ривожланишига амалий ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

## ЭНГ ЯХШИ ЛОЙИҲАЛАР САРАЛАНДИ

— Форумда бойитилиши кийин бўлган олтин-мишьякли рудаларни бойитиш технологияси ҳақидаги илмий тадқиқот ишим билан иштирок этдим, — дейди **Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети талабаси Назоқат Шарифова**. — Қизгин ва юқори талаблар асосида ўтган икки босқичли саралашдан ўтиб, гоғилбар сафидан ўрин олдим. Ташкилотчилар ва бир қатор экспертлар томонидан тадқиқотим юқори баҳоланганидан хурсанд бўлдим. Эътиборли томони шундаки, партиясимизда гоғилбар, деб топилган лойиҳаларни амалиётга тадбиқ этишда бизга яқиндан кўмак берадиган бўлди. Уйлайманки, бундай қўллаб-қувватлов самара беради. Ўз навбатида биз ҳам лойиҳамиз орқали тараққиётга ҳиссамизни қўшамиз.

— Форум ўтказилишидан тасодифан хабар топдим, — деди **Тошкент иқтисодий университети талабаси Саодат Саъдуллаева**. — Одатдаги форумлардан яна бири бўлса керак, деган ўйга боргандим. Аммо адашган эканман. Форум давомида барча ёшлар қатори мен ҳам ўз лойиҳамни намойиш этдим. Партиясимиз ҳар бир лойиҳа билан алоҳида иш олиб боргани, уни амалга ошириш бўйича бизга кўмакчи бўлаётганидан янада қувондим. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш кераки, лойиҳаларга қўйилган талаблар жуда юқори. Демак, форумдан қўзланган мақсадлар катта.

Ёшлар томонидан тақдим этилган лойиҳа ва илмий мақолалар экспертлар томонидан саралаб олинди. Энг яхши лойиҳа муаллифлари диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Сирожиiddин ШОНАЗАРОВ,  
Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши бўлим мудири.

## ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ

Халқ демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши томонидан Бўка тумани Алхажар қишлоғида сайёр қабул ўтказилди.

## ОЛИС ҚИШЛОҚДА САЙЁР ҚАБУЛ

Сайёр қабулда 5 нафар хотин-қизга тикувчилик, чорвачилик, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби йўналишлар бўйича тижорат банклари томонидан имтиёзли кредит олиш учун сертификат берилди.

Шунингдек, бандликка кўмаклашиш маркази томонидан 21 нафар қишлоқ аҳолиси ишли бўлишига амалий ёрдам кўрсатилди. Тадбир иштирокчилари учун бепул тиббий кўрик ташкил этилиб, аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Худудда истикомат қилувчи ноғиронлиги бўлган фуқаролар ҳолидан хабар олинди.

Партия масъуллари билан мулоқот давомида фуқаролар қишлоқда спорт тўғраги очиб, маҳаллага ичимлик суви таъминоти, уй-жойга эгаллик ҳуқуқини расмийлаштириш каби ҳолатлар бўйича тақдир ва муаммоларини билдирди. Мазкур масалалар партия депутатлик гуруҳи томонидан назоратга олинди.

Тадбир якунида мактаб ҳаваскорлар жамоаси томонидан мусиқий дастур намойиш этилди. Бир гуруҳ ёшларга Тошкент вилоят партия кенгаши томонидан китоблар совға қилинди.

А.ХУДОЙҚУЛОВ,  
ЎЗА МУХБИРИ.

## МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

# Ёшлар форуми

Олмалик шаҳридаги «Болажон» истироҳат боғида ташкил этилган тадбирда партия Марказий Кенгаши ҳамда Тошкент вилоят кенгаши масъуллари, Олмалик шаҳар ҳокимлигининг ёшлар ва хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари, ҳамкор ташкилот вакиллари иштирок этди.



Дастлаб, сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбари илгари сурган муҳим беш ташаббус аҳамияти хусусида тўхталиб ўтишди. Шунингдек, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар юзасидан атрафлича фикр алмашилди. Маърузаларда ёшларни санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, китобхонликни тарғиб қилиш масалаларига алоҳида уруғ берилди.

— 2017 йилда Олмалик шаҳар ижтимоий-иқтисодий ва сервис касб-ҳунар келжегини тамомлаганман, — дейди **меҳнат ярмаркаси иштирокчиси Дилфуза Иминжанова**. — Шу вақтгача ишсиз юргандим. Ярмарка ўтказилишини эшитиб, ўзимга муносиб иш топишни мақсад қилдим. Омадим келди. «Hamkor textile» масъулияти чекланган жамият билан шартнома имзоладим. У ерда тикувчилик қилман. Ойлик маоши ҳам кўнглим

дагидек, транспорт харажатлари, тушлик корхона ҳисобидан берилиши эса қувонарли бўлди.

«Hamkor textile» масъулияти чекланган жамияти иш юритувчиси Саида Мирзаеванинг айтишича, улар ярмаркада 45 буюш иш ўрни билан қатнашиб, 11 нафар хотин-қиз билан шартнома имзолашган. — Бугунги ярмаркада 15 корхона 400 га яқин буюш иш ўрни билан қатнашмоқда, — дейди **Шаҳар аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази инспектори Гулбаҳор Аҳмедова**. — Ярмарканинг ўзида 56 нафар талабга йўналма иш берилди. Уларнинг аксарияти хотин-қизлар.

— Ёш шахматчилар баҳсида 10 ёшлилар ўртасида иштирок этдим, — дейди **мусобақа гоғили Дилбек Тожбоев**. — 7 ёшимдан бери уйининг сир-асрорларини ўрганиб келаман. Бугунги мусобақада гоғил чиқишимда ҳам шу билимлар фойда берди.

— Китоб ўқиш жон-у дилим, — дейди **китобхонлик баҳсларида биринчи ўринга сазовор бўлган Сарвиноз Тўрақўлова**. — Аиниқса, шеър ва газаллар ёдлаш сеvimли машғулотим. Келажакда катта танловларда гоғил бўлиш истагидаман.

Форум якунида барча йўналишлар бўйича гоғил ва совриндорларга Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгашининг фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Ўзбекистон ХДП  
Марказий Кенгаши  
Ахборот хизмати.

## Спорт мусобақалари, меҳнат ярмаркаси...

Самарқанд вилоят Иштихон тумани Митан шаҳарчасида ҳам ёшлар форуми кўтаринки руҳда ўтди. Унда партия Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Меҳрожиiddин Дархонов сўзга чиқиб, давлатимиз раҳбари илгари сурган беш ташаббуснинг аҳамияти хусусида тўхталиб ўтди. Шундан сўнг ёшлар масалалари бўйича вилоят ҳокимининг ўринбосари Рустам Қобилов ёшларга яратилаётган шароит ҳақида гапириб, ундан унумли фойдаланиш лозимлигини таъкидлади.

Шу кунги ҳар бир ташаббус бўйича секция бўлинган ҳолда иш олиб борилди. Ўлка ва жамоавий тарзда спорт мусобақалари ўтказилди. Бундан ташқари, тумандаги педагогика коллежи биносидан жой ажратилиб, «WiFi room» ҳамда китоб жавонлари ташкил этилди.

Шунингдек, туман бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда буюш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилди. «Тупор» маҳалласида яшовчи Дилрабо

Ҳашибоевага «Агробанк» Иштихон туман филиали билан биргаликда «JACK» тикув машинаси топширилди.

Гоғил жамоалар партиянинг дипломи ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Фаррух МАМАТМУРОДОВ,  
Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгаши бўлим мудири.



Ўтган йили мамлакатда авиаёқилгининг нархи ошганига қарамасдан, уртача тариф халқаро йўналишлар бўйича 13, маҳаллий йўналишларда 50 фоизгача арзонлаштирилди.

# «Биз монопол авиакомпания эмасмиз,

агарда қайсидир тадбиркор авиакомпания очишни истаётган бўлса, марҳамат, ишлатсин»

## МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Миллий матбуот марказида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси томонидан Президентимизнинг 2018 йил 27 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиациясини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижроси юзасидан амалга оширилган чора-тадбирларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.



Тадбирда мутахассислар томонидан ўтган давр мобайнида мамлакатимиз фуқаро авиацияси ҳаво кемалари парки янгилангани ҳамда йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатиш тизими замонавий талаблар асосида ислоҳ қилингани таъкидланди.

— Бугунги кунда миллий авиакомпаниямиз 63 халқаро йўналиш бўйича мунтазам қатновларни амалга ошириб келмоқда. — дейди «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси директори ўринбосари Умид Хусанов. — Ўтган йилда 3 миллион 173 минг йўловчи хизмат кўрсатилди. Уларнинг 800 мингдан ортиғи хориж фуқаросидир. Россия, Туркия, БАА, Қозоғистон, Жанубий Корея каби давлатлар миллий авиакомпаниямизнинг асосий йўловчи ташув бозори ҳисобланади. Шунингдек, авиакомпаниямиз 2018 йилда мижозларига бир қатор чегирмалар тақдим этди. Хусусан,

вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Россияга кетаётган фуқароларга иқтисодий класс минимал тарифидан 20 фоизли, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолисига 50 фоизли чегирма берилган, шунингдек, чет эллик сайёҳлар учун халқаро қатновларда тарифлар 30 фоизгача пасайтирилган. Шу билан бирга, ўтган йили мамлакатда авиаёқилгининг нархи ошганига қарамасдан, уртача тариф халқаро йўналишлар бўйича 13, маҳаллий йўналишларда 50 фоизгача арзонлаштирилди.

Бундан ташқари, оптимал парвозлар жадвалини жорий этиш, ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш жараёнини оптималлаштириш эвазига авиалайнерлар паркинни ишлатиш самардорлиги ортиб, қатновлар сони кўпайди. Бугун парвозлар сони ҳафтасига 36 тага ортиб, 2018 йилда 1 та самолётнинг ўртача парвоз вақти суткасига 10,9 соатни

ташқил этди, 2017 йилда ушбу кўрсаткич 8,1 соатга тенг бўлган.

Хусусан, мамлакатимизда валюта бозорини либераллаштириш натижасида мамлакатимизга парвозларни амалга оширадиган хорижий авиакомпаниялар сони 18 фоизга ўсиб, 2018 йилда 20 тага етди. Ўтган йили улар томонидан юртимизга 11957 қатнов амалга оширилди. Бу албатта, авиация бозорига рақобатни кучайтиради.

Шунингдек, Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиациясини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони миллий авиакомпания фаолиятида муҳим воқеа бўлди.

Ушбу фармонга мувофиқ, қайта ташқил этиш йўли билан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси негизда «Uzbekistan Airways» ва «Uzbekistan Airports» акциядорлик жамиятлари ташқил этилмоқда. Компаниянинг таркибига кирувчи давлат унитар корхоналари масъулияти чекланган жамиятларга айлантирилмоқда. «Махсус авиация ишлари» ДУК негизда «Uzbekistan Helicopters» МЧЖ ташқил этилиб, «Ўзаэронавигация» маркази Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги тасарруфига ўтказилади.

Шунингдек, тадбирда миллий авиакомпания Марказий Осиё минтақаси ҳаво транспорти бозорига етакчиликлари эришишни режа қилаётгани ва шу мақсадда илгор халқаро тажрибалар жорий этилиб, авиаташувлар ва аэропортлар фаолияти бўйича вазифаларни мустақил корхоналарга тақсимлаш борасида ишлар амалга оширилаётгани ҳамда энг асосий эътибор авиакомпания бюджети даромадини ошириш, харажатларни камайитиришга қаратилаётгани таъкидланди. Бу каби ислохотлар «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАКнинг иқтисодий юксалиши, фаолият самардорлиги ва рақобатбардорлигини ошириш, парвозлар хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир давомида журналистлар томонидан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясига нисбатан кўп ишлатилувчи сўз, яъни монопол авиакомпаниядан қачон

воз кечилиши ва бу ҳолатга қачон барҳам берилиши мумкинлиги тўғрисидаги саволга авиакомпания директори ўринбосари Умид Хусанов жавоб қайтарди.

— Негадир шу масала кўп кўтарилади. Тўғри, биз республика ҳудудидаги ягона авиаташувчимиз. Лекин биз монопол авиакомпания эмасмиз. Биз ҳеч кимга қарши эмасмиз. Агарда қайсидир тадбиркор авиакомпания очишни истаётган бўлса, марҳамат, очиб ишлатсин. Самолёт сотиб олсин, учувчи топсин, зарур ташкилотлар билан келишсин, ишлайверсин. Биз бундан фақат хурсанд бўламиз. Шунда соғлом рақобатда ривожланиш бўлади.

Шунингдек, Умид Хусановнинг сўзларига «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси молиявий иқтисодий департаменти директори Алишер Сатторов қўшимча қилди.

— Монополия бўйича кўпчиликни битта масала қизиқтиради. Арзон нархлар, қулай хизмат. Мана, масалан ўтган йил киш мавсумида биз энг кўп қатнов уюштириладиган Москва йўналишидаги нархларни 80 Еврогача туширдик. Мана шунини монополия сусайгани сифатида баҳолаш мумкин. Қолаверса, Россиядан туристик оқим ошиб бормоқда ва кўпчилик бизнинг хизматлардан фойдаланмоқда. Ҳолбуки, Россиядан бизга учиб келишда 9 та авиакомпания хизмат кўрсатади. Демак, бизни танлашлари бежизга эмас.

Шунингдек, Андижон халқаро аэропорти нима сабабдан ишламаётганлиги юзасидан савол берилди.

Ушбу саволга «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Ер усти иншоотларидан фойдаланиш ва аэропортларни бошқариш департаменти директори Антон Ходжаев жавоб берди.

— Бугунги кунда Андижон аэропорти ишламапти. Чунки қопламаси талабга жавоб бермайди, катта замонавий самолётларга ярамайди. Қолаверса, водийда 50-70 км масофада учта аэропорт бўлиши ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Шундай бўлса-да, биз барибир келажақда инвестор топиб, бу аэропортда таъмирлаш ишларини олиб борамиз. Замонавий кўринишда ҳамда барча қулайликларга эга бўлган аэропорт сифатида ишга туширамиз.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

## «ТЕМП — 2019»



# Дунё ёшларини бирлаштирган Тошкент халқаро форуми

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ташаббуси билан ташқил этилган «ТЕМП — 2019» Тошкент халқаро форуми бошланди.

Форумнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси раиси Қ.Рафиқов «ТЕМП — 2019» форуми юртимизда Президентимиз ташаббуси билан аҳоли, айниқса, ёшларни кучли ижтимоий ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган тизимли ишлар, бу борада эришилган тажриба, ютуқларни дунё ҳамжамиятига етказиш ва тарғиб этишга хизмат қилиши билан аҳамиятли эканини таъкидлади.

Нуфузли тадбирда 20 га яқин давлатдан 120 нафарга яқин ёш, шунингдек, 150 нафарга яқин Ўзбекистон Касаба уюшмалари фаоллари иштирок этмоқда.

Иштирокчилар форум доирасида Самарқанд шаҳридаги Ёшлар марказида меҳнатқанд йигит-қизлар, яъни тадбиркор ва фермерлар билан учрашди, тарихий обидаларга саёҳат қилди. Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги «Чарос» меҳмонхонасида психологик тренинг ва қизиқарли ўйинлар ташқил этилди. Иштирокчиларнинг умумий жиҳатлари, қизиқиш ва қарашлари креатив ёндашув асосида кўрсатиб берилди. Хотираси, фикрлаши ва тезкорлиги турли ўйинлар орқали синовдан ўтказилди.

Форум доирасидан жой олган Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси тасарруфидаги санаториялар кўрғазмаси, миллий либослар фестивали ҳам барчага манзур бўлди.

— Мен Термиз шаҳида туғилганман, — дейди Афғонистон Касаба уюшмалари халқаро маслаҳатчиси Света Азими. — Уч ёшимда Афғонистонга кўчиб кетганмиз. Афғонистон Касаба уюшмаларида олти йилдан буён ишлайман. Турли давлатларда ташқил этилган форум, конференцияларда қатнашдим. 20 га яқин давлат ёшларини бир жойда жамлаб, нуфузли форумни ташқил этишнинг ўзи бўлмайди. Ўтган олти йил давомида мен иштирок этган халқаро форумларнинг энг каттаси ва энг мазмунлиси шу бўляпти десам, муболаға эмас. Мамлакатимизда касаба уюшмалари тизимида ёшлар билан ишлаш бўйича яратилган ўзига хос механизм, ёшлар масаласи билан шугулланувчи тузилмалар фаолияти билан яқиндан танишяпмиз.

Меҳмонлар Президентимиз томонидан ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, китобхонлиқни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бўйича илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус мазмун-моҳияти билан таништирилди.

Тошкент халқаро форуми иштирокчиларда мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган эътибор, уларга яратилаётган шароитлар, бу жараёнда юртимиз касаба уюшмаларининг тутган ўрни, қолаверса, Ватанимизнинг кўнра ўтмиши ва бой маданияти ҳақида ёрқин тасаввур уйғотмоқда.

Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги концерт дастури намойиш этилди.

Форумнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари, Ёшлар иттифоқи марказий кенгаши раиси Қ.Қуронбоев иштирок этди.

Хуршид ҚОДИРОВ, ЎЗА мухбири.



Собир ҚУРБОНОВ, Носиржон ТОИРОВ, меҳнат фахрийлари.



## ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар жараёнида асосий эътибор амалдаги қонунларнинг ишлашига, сўз билан иш бирлигига қаратилмоқда. Қинғир йўллар билан пул топишга ўрганиб қолган шахсларга нисбатан кескин чоралар қўлланилмоқда.

# Валютафурушлар жазо олди



Олмос Махсадмуродов, Мажнун Қиличев, Феруз Раҳимовлар тоғни урса, талқон қиладиган йигитлар. Лекин улар бир касбнинг бошини тутмай, енгил даромаднинг ортидан қувиб, Ургут туманидаги «Ургут савдо комплекси» МЧЖ бозорининг дарвозасини ноқонуний валюта айирбошлайдиган майдончага айлантириб олишди. Бозорга келадиганлар учун ҳам бу қулай — бир сўм-икки сўм учун тортишиб ўтирмай, улардан валюталарини алмаштиришади.

Лекин кўза кунда эмас, кунда синади, деганларидай, Ургут тумани Ички ишлар бўлими тезкор гуруҳи томонидан «Ургут савдо комплекси» МЧЖ бозорига ўтказилган тадбирда «валютафурушлар» қўлга олинди. Улар ёнидан топилган 6 миллион сўмдан кўпроқ миқдордаги пул мусодара қилиниб, гувоҳлар иштирокида далолатнома тузилди. Маъмурий ишлар бўйича Ургут туман суди қарорига кўра, «валютафурушлар»га нисбатан жазо чоралари қўлланилди ҳамда уларга тегишли бўлган 6 миллион сўмдан кўпроқ миқдордаги пул давлат фойдасига мусодара қилинди.

Мазкур ҳолат шунини кўрсатадики, қонундан ташқари ишлар ташвиш келтиради. Ҳар бир хатти-ҳаракатимиз қонун доирасида амалга оширилса, хотиржам яшаймиз. Эл-юрт олдидаги обрў-эътиборимизга путур етмайди. Кимки қонунларга итоат этмаслиқга уринса, барибир бир кун ўз жазосини олиши муқаррардир.

Акмал АЛИМОВ, Ургут туман маъмурий суди раиси.

# РАҲБАРДАН ХОДИМГАЧА...

## ТАҚДИМОТ


Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетиди «Ёшлар наشريёт уйи»да чоп этилган «Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари» деб номланган китоб тақдимоти бўлиб ўтди. Унда профессор-ўқитувчилар, талабалар, китобни нашрга тайёрлаган ижодий жамоа вакиллари иштирок этди.

Китоб Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш Республика «Улугбек» жамғармаси ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи шафелигида таниқли давлат ва жамоат арбоби, академик Оқил Салимов ҳамда бир гуруҳ олимлар томонидан тайёрланган. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг нутқлари, маърузалари, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларни чуқурлаштириш жараёнининг назарий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маданий жиҳатлари, халқаро масалалар, халқ билан мулоқотларда билдирган ибратли фикрлари жамланган.

— Китобни кенг жамоатчилик, айниқса, ёш тадқиқотчи ва талабаларимиз катта қизиқиш билан ўрганмоқда, — дейди ЎЗМУ ректори, профессор Авазжон Мараҳимов. — Президентимизнинг ёшлар келажагига қаратилган беш ташаббусида ҳам китобхонлик маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Китоб — ёшлар маънавий оламиди бо-йида. Уларнинг дунёқарши, жамиятга бўлган муносабатларини шакллантиради.

Китобни тайёрлаш ишларига раҳбарлик қилган академик Оқил Салимов ўз сўзида Шавкат Мирзиёевнинг маъруза, нутқ, фармон ва қарорлари ҳақиқатда келтирувчи улкан кучга айланаётганини таъкидлади.

— Биз, деди у, — Президентимиз асарларини мутлола қилувчи, ўзининг кундалиқ фаолиятида уларга амал қилишга интилувчи кишиларга услубий ёрдам бериш мақсадида ана шу тўпламни туздик.



— Китобда келтирилган гоё ва ҳужжатларнинг муҳим жиҳатига, яъни, уларнинг ҳаётийлигига алоҳида эътибор қаратмоқчиман, — деди академик Оқил Салимов. — Бу шунчаки билдирилган фикр ёки қоғозда қолиб кетадиган расмий ҳужжат эмас, балки кундалиқ ҳаётимизга табиқ этилаётган демократик тамойиллар, десак, хато қилмаган бўламиз. Буни китобга киритилган фикр ва ҳужжатлар, шу жумладан, Президентимизнинг Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети тўғрисидаги Қарори ҳам тасдиқлайди.

Тақдимотда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси профессори Мансур Бекмуродов, ЎЗМУ профессор-ўқитувчилари Бердикул Тўйчиев, Абдор Хидиров, Алишер Мўминов ва бошқалар китобдан жой олган гоё ва фикрларни ўқиб-ўрганиш профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар, раҳбардан тортиб оддий ходим учун ҳам муҳимлигини таъкидлади.


Собир ҚУРБОНОВ, Носиржон ТОИРОВ, меҳнат фахрийлари.

Ота-оналар тижорат банклари орқали тўлов қилмасдан, муассаса ходимларига нақд пул бериши оқибатида болаларнинг тўлов пуллари талон-тарож бўлмоқда.

АНЖУМАН

# Бола ҳуқуқини бузиш, унинг ҳақиқига хиёнат қилиш — оғир гуноҳ

Мактабгача таълим тизимидаги қонунбузилиш ҳолатлари ҳақида



Мактабгача таълим вазирлигининг ички аудит, молиявий ва ҳуқуқий назорат хизмати ҳудудларда ўтказган ўрганишлар давомида озиқ-овқатларни болаларга бермасдан яшириб қўйиш ҳолатлари аниқланди.

Миллий матбуот марказида Мактабгача таълим вазирлиги томонидан матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда Президентимизнинг таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмининг ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисидаги қарорига асосан Мактабгача таълим вазирлигида ички аудит, молиявий ва ҳуқуқий назорат хизмати ташкил этилгани ва унинг асосий вазифаларидан бири этиб бюджет маблағларининг ноқонуний сарфланиши ва талон-тарож қилиниши ҳолатларининг олдини олиш эканлиги таъкидланди. Шунингдек, ушбу хизмат республика бўйича жами 43 штат бирлигини иборат бўлиб, бугунги кунда 38 нафар мутахассис фаолият юритаётгани ҳам айтиб ўтилди.

Мактабгача таълим тизими узоқ йиллар давомида етарли даражада назоратда бўлмаганлиги учун бу соҳа танг аҳволга тушиб қолганди, — дейди **Мактабгача таълим вазирлиги ўринбосари Шодидёр Маматқулов**. — Ички аудит томонидан 2018 йилда 11 миллиард сўмлик қонунбузилиш ҳолати аниқланди ва 278 ўрганиш ҳужжати қонуний чора кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида 109 ўрганиш ҳужжатидан 5,4 миллиард сўмлик 101 ўрганиш материаллари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборилди. Жами аниқланган молиявий қонунбузилишлардан ўтган йилда 47,6 фоизини, жорий йилнинг биринчи чорагида эса 54,7 фоизини камомат ва ноқонуний харажатлар ташкил этган.

Ноқонуний харажатларнинг асосий қисми 2018 йилда — 40 фоизи, 2019 йилнинг биринчи чорагида 28 фоизи, яъни мактабгача таълим муассасасига турли лавозимларга

расмийлаштирилган, лекин ҳақиқатда муассасада ишламаган ходимлар ҳисобига тўғри келмоқда. Уларнинг ижтимоий ҳавфи нафақат мактабгача таълим тизимига, балки давлат бюджетига зарар келтирмоқда. Хусусан, ишламайдиган ходимлар ноқонуний меҳнат стажига эга бўлади ва уларга шу стаж учун пенсия жамғармасидан пенсия тўланади. Бу ҳам етмагандек, болани муассасада ҳавфсиз сақлаш ва сифатли таълим олишига тўғридан-тўғри салбий таъсир кўрсатади. Мисол учун, шундай ҳолатлар кузатишдики, ошпаз, фаррош каби вазифаларга расмийлаштирилган ходимлар тарбиясининг ўрнига ишламоқда.

Бир сўз билан айтганда, мазкур иллат мактабгача таълим тизими ривожланишига ўта салбий таъсир кўрсатувчи энг катта ва асосий зарари омиллардан биридир.

Ушбу ҳолатларнинг олдини олиш ва ўз вақтида бартараф этиш мақсадида вазирлик томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда, масалан, жамоатчилик назоратини ўрнатиш учун мактабгача таълим муассасаларида кузатув кенгашлари ташкил этилган.

Бироқ ушбу муаммоларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ёрдамисиз ҳал этиш мушкул. Шунинг учун барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Молия вазирлигининг давлат молиявий назорат органи, бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан ҳамкорликда ишлар олиб борилмоқда. Яна бир ҳолат, ходимларга иш ҳақларини бермасдан ноқонуний ўзлаштириш, ходимларга сохта иш ҳақи ва мукофот пуллари ёзиб, нақд пуллари асосиз ҳисобдан чиқаришдир.

Мисол учун, **Хоразм вилояти Шовот туманидаги 14-сонли мактабгача таълим муассасасида ишлаган ходимларга 5-йиллаб ўзларига тегишли бўлган ойлик**

иш ҳақлари ўз вақтида тўлиқ берилмаган, яъни муассаса мудираси ойлик иш ҳақининг фақатгина 40 фоизини бериб, қолган фоизини ўз эҳтиёжига ишлатиб келган. Ишга қабул қилишда эса 4 ойлаб текинга ишлатилган. Бу ҳам етмагандек, муассаса ходимлари фермер хўжалиқларида ишлашга жалб қилиб келинганлиги ҳолатлари аниқланган.

Яна бир ачинарли ҳолат. Ушбу муассасани мудиранинг қайнонаси бошқариб келган. Аслида мудира келин бўлган, қайнонаси эса 2010 йилдан шу муассасага тарбиячи лавозимига расмийлаштирилган. Ҳақиқатда эса қайнона мудира сифатида фаолият олиб борган. Келин мудира эканлигини ҳаттоки МТМнинг ходимлари ҳам билишмаган. Ушбу муассасада ўтказилган дастлабки ўрганиш ва якуний тафтиш ишлари натижасида жами 197,5 миллион сўм миқдорда давлат бюджети маблағлари ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилинганлиги аниқланган.

— Минг афсус билан шуни айтиш мумкинки, ота-оналарнинг болалар таъминотида ҳамда ҳоимлик асосида тўлаган пуллари нағзага кириб қилмаслик ҳолатлари учраб турибди, — дейди **Мактабгача таълим вазирлиги ички аудит хизмати бошлиғи Дилшод Норматов**. — Аслида Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган «Мактабгача таълим муассасалари ва мактаб-интернатлардаги болалар таъминотига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан болалар таъминоти учун тўловлар ҳар ойнинг 15 санасидан кечиктирилмасдан тўланиши ҳамда болалар таъминоти учун тўловлар фақат тижорат банклари орқали нақд пул ёки нақд пулсиз шаклда тўланиши лозимлиги белгиланган.

Ота-оналар тўлов пуллари нақд пулда гуруҳ тарбиячисига берилади. Улар ўз навбатида нақд пуллари мудирасига ёки мудира томонидан бириктирилган ходимга берилади. Шу тариха йиғилган пуллар ноқонуний ўзлаштирилишига шароит яратиб берилади.

Ота-оналар тижорат банклари орқали тўлов қилмасдан муассаса ходимларига нақд пулни бериши оқибатида болаларнинг тўлов пуллари талон-тарож бўлмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳрининг Учтепа туманидаги 19-сонли МТМда — 100 миллион сўм, Жиззах вилояти Жиззах шаҳридаги 24-сонли МТМда — 64,3 миллион сўм тўлов пуллари нағзага кириб қилинган. Ота-оналар шуни ёдда тутишлари лозимки, МТМ томонидан нақд пуллари қабул қилиб олиш мутлақо мумкин эмас.

Ўз ўрнида айрим нопок ходимлар томонидан болаларнинг rischi қийилишига шароит яратмаслик учун, ота-оналардан тўлов пуллари ўрнатилган тартибда тегишли банк муассасалари орқали тўлашларини сўраб қолардик.

Яна бир ўта ачинарли ҳолат, тарбияланувчилар учун мўлжалланган озиқ-овқат маҳсулотларини ноқонуний йўллар билан ўзлаштириш. Минг афсуски, бу энг кўп учрайдиган ҳолатлардан биридир. Бугунги кунда болаларнинг озиқ-овқат таъминотидаги камчиликларнинг олдини олиш вазирлигининг энг долзарб муаммоларидан биридир. Чунки буни ҳар кун назорат қилишнинг имкони йўқ, 5700 дан зиёд давлат мактабгача таълим муассасаси мавжуд.

Ўрганишлар давомида озиқ-овқатларни болаларга бермасдан яшириб қўйиш ҳолатлари, озиқ-овқат маҳсулотларини таомномада таом пиширишда ишлатилган деб кўрсатиб, лекин ҳақиқатда маҳсулотлар қозонга солинмаганлиги

аниқланган. Хусусан, Яшнобод туманидаги 596-сонли, Сергели туманидаги 292-сонли, Мирзо Улугбек туманидаги 137-сонли, Миробод туманидаги 548-сонли, Сирдарё туманидаги 1-сонли, Хоразм вилояти Янгиариқ туманидаги 5-сонли, Қуйи Чирчиқ туманидаги 8-сонли, Чирчиқ шаҳар 9-сонли, Ўрта Чирчиқ туманидаги 4-сонли, Нурафшон шаҳридаги 7-сонли мактабгача таълим муассасаларида болаларга берилмайдиган озиқ-овқат маҳсулотларининг маълум бир қисми ходимлар томонидан турли йўллар орқали яшириб қўйилган. Бу ҳам етмагандек, **Жиззах шаҳридаги 39-сонли МТМ ходимлари аудиторлар келганида тарбияланувчиларга берилмайдиган 27 килограмм гўшт маҳсулотини яшириб қўйган ва уни яшириш учун каналлизация чуқурига ташлаб юборишган.**

Бундан ташқари, вазирлик ва ҳудудий бўлиналар томонидан аниқланган ҳолатлар бўйича чоралар кўрилмоқда, масалан, Яшнобод туманидаги 596-сонли МТМда яшириб қўйилган озиқ-овқат маҳсулотлари: гўшт — 11,7 килограмм, пишган гўшт — 10,9 килограмм, товуқ гўшти — 4 килограмм, шакар — 23,8 килограмм, чай — 0,65 килограмм, қанд — 1,45 килограмм, сариёғ — 5,5 килограмм, тухум — 100 дона, сут — 2,5 литр ҳолатлари аниқланиб, ошхона ходимлари вазифасидан озод этилган. Ҳужжатлар эса прокуратура органларига қонуний чора кўриш учун юборилган.

Бир сўз билан айтганда, вазирлик мактабгача таълим тизимидаги ҳар қандай қонунбузилиш ҳолатларини — бола ҳуқуқини бузиш ва уларнинг ҳақиқига хиёнат қилиш, деб ҳисоблайди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**  
«Ўзбекистон овози» мухбири.



## Кўкнор етиштирганлар

2019 йил 6 июнь куни ўтказилган «Қорадори — 2019» кенг қамровли тадбир давомида Косон тумани Бунёдкор маҳалласида яшовчи 18 ёшли А.Б. 9 дона «кўкнор» бошогини 400 минг сўмга сотаётган вақтида ушланган. Унинг отаси Б.Х.нинг ҳовлисидаги ер майдонига «кўкнор» ўсимлигини етиштираётганлиги аниқланиб, уйдан жами 592,07 гр. «кўкнор» ҳашаги, 0,47 гр. «опий», 62,2 гр. «кўкнор» ўсимлиги уруғи ва 7 кг. 466 гр. «кўкнор» ўсимлиги топилиб, далилий ашё сифатида олинди.

Ҳолат юзасидан Б.Х. ва А.Б.ларга нисбатан жиноят иши кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

## Ўз фарзандини сотмоқчи бўлган аёл



Шу йил 17 июнь куни Тошкент шаҳрининг Учтепа туманида яшовчи 23 ёшли С.И. ва расмий никоҳсиз рафикаси 26 ёшли Г.Т. билан ўзаро жинорий тил бириктириб, аёл 2018 йил 26 октябрда туғилган ўлини Учтепа туманида жойлашган «Жиз-Биз» кафеда таниши 27 ёшли С.И. исмли аёлга 9 000 АҚШ долларига сотаётган вақтларида ички ишлар органлари ходимлари томонидан ушланган.

Ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

## Тендерда ютишни ваъда қилиб...



Жорий йилнинг 20 июнь куни Тошкент шаҳар ИИББга тушган ҳужжатларга кўра, 2017 йил 1 март кундан 2018 йил 1 март кунигача бўлган вақт оралиғида Тошкент шаҳрининг М.Улугбек туманида яшовчи 43 ёшли Ш.Ҳ. хорижий компания «Лебстрой» МЧЖ номидан иш кўраётган 38 ёшли А.Л.га жами 3.116.893 АҚШ доллари миқдорда электрлаштириш соҳасида ишлатилмайдиган металл конструкциялар етказиб бериш бўйича тендерда ютиб чиқиш ва ҳар қандай муаммоларни ҳал қилиб бериш эъзига, ундан жами 296.163,77 АҚШ долларини олиб, берган ваъдасини бажармай келганлиги аниқланганлиги кўрсатилган. Ш.Ҳ. ушланган.

Ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

## Автомашинани олиб қочган мактаб ўқувчилари



21 июнь куни соат 1:00 ларда Жиззах шаҳри М.Улугбек маҳалласи ҳудудида жойлашган «Жиззах темир йўл вокзали» автопаркоғида эшиклар очик ҳолда қаровис қолдирилган «Нексия» русумли автомобилни номаълум шахслар ҳайдаб қочган.

Қидирув ишлари натижасида машина Ш.Рашидов тумани «Янги ҳаёт» МФЙ ҳудудидан ўтувчи «Жиззах — Фориш» йўлининг 24-километрда техник соҳа ҳолда топилган.

Қўрилган чоралар натижасида ушбу жиноятни Ш.Рашидов тумани Раваллик маҳалласида яшовчи, 11-сонли ўрта мактабининг икки нафар 9-синф ўқувчилари О.А. ва Н.А.лар судир этганликлари аниқланиб, ушланганлар.

Ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Нилуфар ТўРАХОНОВА,**  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ  
Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси катта инспектори, лейтенант.



Алоҳида хонада яшириб қўйилган озиқ-овқатлар



27 кг. гўштни каналлизация қудуғига ташлаб юборишди



Яна бир хонадаги аҳвол

# Божхона ҳамкорлиги бўйича Ўзбекистон ташаббуси маъқулланди

## ҲАМКОРЛИК

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлик дастури (CAREC) доирасида Божхона ҳамкорлик қўмитасининг ўн саккизинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Афғонистон, Грузия, Мўғулистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Покистон, Тожикистон, Туркменистон, Хитой божхона хизматлари, шунингдек, Жаҳон божхона ташкилоти делегацияси, Осиё тараққиёт банкининг 40 нафарга яқин вакили иштирок этди.

Тадбирнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Давлат божхона қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Анвар Асамов республикаимизнинг божхона органларида амалга оширилаётган жадал ислохотлар, сўнгги янгилинишлар ва ўзгаришлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтди.

Шунингдек, тадбирда Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлик дастури доирасида эришилган натижалар, 2030 йилга қадар савдо соҳасида интеграциялашган дастур

ва уни амалга ошириш бўйича бажарилган ишлар ҳамда божхона соҳасидаги илгор янгиликлар атрофида муҳокама қилинди.

Ийгилишда Ўзбекистон томони CARECга аъзо давлатлар божхона хизматлари ўртасида ягона ахборот тизимини жорий этиш ташаббусини илгари сурди. Мазкур ташаббус CARECга аъзо давлатларнинг ягона ойна тизимини жорий этиш ва ташувчилар рўйхатини тузиш, электрон ҳужжат айланишини ташкил этиш,



тадбиркорларнинг шахсий кабинетини яратишни кўзда тутади. Ягона ахборот тизими воситасида божхона органлари давлат чегаралари орқали олиб ўтилаётган товар ва транспорт воситалари тўғрисидаги маълумотлардан олдиндан хабардор бўлади. Бу, ўз навбатида, тадбиркорларнинг

қисқа муддатда чегарадан ўтишини таъминлаб, молиявий харажатларни қисқартириш имконини беради.

Ушбу ташаббус CARECга аъзо давлатлар божхона хизматлари томонидан маъқулланди. Тожикистон, Покистон, Хитой, Озарбайжон, Афғонистон, Хитой вакиллари ўз мамлакатлари божхона соҳасида ушбу ташаббусга яқин амалиёт борлиги, улар икки томонлама келишувлар асосида амалга оширилаётгани сабабли, кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш учун ягона тизимга зарурат борлигини қайд этди. Ягона ахборот тизимини ташкил этиш келгусида минтақавий савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди.

CARECнинг 2020 йилга қадар мўлжалланган стратегияси эса Ўзбекистон Республикасида транспорт коммуникациялари, логистика ва божхона тизимларини модернизациялаштириш соҳаларида қиймати 10,6 миллиард АҚШ долларини ташкил қилувчи 24 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, Тошкент шаҳрида дастурга аъзо давлатлар вазирлари конференцияси ҳам бўлиб ўтади.

**Дилдора ЙўЛДОШЕВА,**  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«70 минг тонна дон топширамиз деяпсизлар, деҳқоннинг ўзида ҳам қоладими?»

# Миришкор яна пешқадам

ШУ КУННИНГ ШУКУҲИ

Миришкор тумани галлакорлари бу йил ҳам режани мамлакатда биринчилардан бўлиб бажаришди. Буни эшитгач, дарҳол туман раҳбари билан боғландим.

— Далада бўлман, барвақт келаверинг, деди туман ҳоқими Равшан Комиллов хорин овозда.

Тонг отар палласи манзилга етиб келдим. Пайсалга солмай, машинами Оқмасжид қишлоғи йўлига бурдим. Бир кун олдин телефон орқали келишгандик — сап ўтмай қишлоқ йўлидан ҲахДП туман кенгаши раиси Уткиржон Усмонов чиқиб келди. Машинага ўтириб, кенг дала томон бошлади, анча юриб тўхтади. Бир вақт «Нуроний» жамгармаси туман бўлими бошлиғи Араббой Ҳосиятов ҳам келиб қолди. Дала четида турган комбайнга қараётганими кўриб:

— Э, булар тонга қадар галла урган, ҳозир дам олишмоқда, — деди Араббой ака сўрашганча. — Қаранг, бошоқлар устида шудринг йилтиллаяпти. Энди соат 7-8 бўлмай ўрим бошланмади. Ҳоқимимиз ҳам тумanning узок четида, телефон уланмайдиган жойда бўлса керак. Чунки комбайнлари кеча ўша далаларга кўчирилган эди...

Улар — Уткиржон ва Араббой ака ўз ишлари билан йўлга тушишди. Мен машинами туман марказига ҳайдадим. Бироздан кейин кун ёришиб кетди. Ҳамма ўзига топширилган юмуш билан банд экан, ҳеч кимни тополмадим, маълумотларни кимдан оламан, қайси далага бораман, деб безовта бўлар эдим. Анча суриштириб, туман қишлоқ ҳўжалиги бўлими бош мутахассиси Уткир Авазов билан учрашдим. Далаларга олиб чиқди, йўқлаган қишлоқлар билан телефон орқали боғлаб қўйди, жуда хурсанд бўлдим ундан.

Ўтган йили режадагидан анча кўп — 55 минг 822 минг тонна дон етказиб берилди. Шартнома мамлакатда биринчилардан бўлиб удаланди. Олдинги йилларнинг 40-45 минг тоннасига қараганда, бу қадар юксалиш кишини ҳайратга солади. Ўтган йили 1225 нафар фермер бўлса, бу йил ерларни йириклаштириб, 566 фермер билан шартнома тузилди. Улар 22 минг 350 гектар майдонда дон етиштиришди. Натижа олдинги йилдагидан юқори бўлди. Ўримга

барча куч-имконият йўналтирилди. Бошқа туманларнинг комбайнлари ҳам кўмакка келди. Қисқа фурсатда шартнома режасидаги 51 минг 900 тонна ўрнига 60 минг тоннадан ошқ сифатли дон давлатга етказиб берилди.

Ўрим давом этмоқда — мўлжал 70 минг тонна деган, даъватлар янграмоқда. Хўш, бунга имконият борми? Қандай қилиб икки йилдан буён мамлакатимизда энг юқори кўрсаткичлардан бири эгалланмоқда? Деҳқон меҳнатидан розими? Қўшни Касби туманида пахта ерларини кластер асосида ижарага олган сармоядорлар бу йил анча ерни қора шудгор қилиб, дам олдиришга кўйишди. Бу — тарихий воқеа. Ердан нуқул ҳосил сўрайверсак, тупроқ умумдорлиги кескин пасайиб кетмайдими? Қаранг, қанча саволлар.

Кувонч Чўлиев, туман ирригация бўлими бошлиғи:

— Ерга бефарқ бўлиш мумкин эмас, хусусан, чўл ерлари сал нарсага шўрланми кетади. Давлатимиз ажратган катта маблағлар ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга сарфланмоқда, бу туманда ҳам яхши ишлар бажарилди. Жами 97 километр коллектор, 30 километрдан зиёд ёпиқ дренаж тизими тўла тозаланди. Миришкор каналдан сув оладиган ички 114 километр канал кучи билан тозалаб чиқилди. «Махзуна севинчи» фермер ҳўжалигида 32 гектар ерда томчилатиб сугориш жорий қилинди. Яна 468 гектар галла майдони эгилувчан қувурлар ёрдамида сугорилди. Ёмгирнинг мўллиги туфайли 40 фоиз сув тежалди. Буларнинг ҳаммаси эртанги ва мўл дон етиштириш имконини берди, албатта.

Маҳмуджон Қиличев, «Агроки-мехизмат» туман корхонаси бошлиғи ўринбосари:

— Тарозининг икки палласи бор. Бу йил чўл туманларида ёмгирнинг мўл-лиги сувни тежаб, ниҳоллар ривожига ижобий таъсир қилган бўлса, иккинчи



томондан занг касали ривожланиши, бегона ўтлар босиб кетишига олиб келди. Тинмай курашдик — 51 та ОВХ агрегати бегона ўтларга таъсирли ким-ёвий дориларни қайта-қайта пурқаб турди. Ерни бойитмасдан юқори ҳосил олиш мумкин эмас. Бизда анқ режа тузилгач, кам ҳосил майдонлар анқ-лаб чиқилган эди. Шудгор олдида ҳар гектар ерга 200 килодан аммофос солинди. Галла ниҳолларини парвариш-лаш давомида 50 килодан калийли ва 760 килодан азотли ўғитлар билан озиклантирилди. Фақат шунга қараб қолмадик. Ҳар 5 гектар ерда «шарбат ўраси» тайёрлаб бердик. Гўнг тўплаб, 9 минг тонна «компост» тайёрладик. Вақти келадик, ҳар қарич ерининг нима сўраётгани, имконияти лабораторияларда аниқланиб, кейин экинлар озик-лантирилди. Ерни нобуд қилишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ.

Далаларни кезар эканман, бири-бирдан фарқ қилувчи бугдой тўплари кўрдим. Аммо навини фарқлай олмадим. Отамурод Абдуллаев, Дон ва дук-какли экинлар илмий-тадқиқот инсти-туту Қашқадарё филиали агрономи:

— Тўғри пайкабсиз, навлар бир-бирига ўхшашмайди. Селекциячиларимиз

яратган навлар Сурхондарё, Самарканд, Бухоро, Қашқадарё вилоятидаги 400 минг гектардан ортиқ майдонда ўстирилмоқда. Миришкор туманида экин-лаш навларнинг 70 фоизи бизларники. Мен шу туманда 65-70 центнердан ҳосил бераётган «Туркистон» бугдой нави яратувчиларидан бири эканлигим билан фахрланаман. Туманда бу йил «Як-сарт», «Бунёдкор» «Ҳозгон» ва бошқа бугдой навлари касалликка чидамли, эрталашар ва серҳосил эканлигини кўрсатди. Туманда 22 уруччилик ҳўжалиги бор, улардан сўранг.

Акmal Салимов, уруччилик ҳўжа-лиги бошлиғи:

— 2006 йилда фермер ҳўжалиги ту-зиб, бир йилдан кейин уруччилик йўна-лишида ишлай бошладик. Тўғри, уручлик дон етиштириш сермеҳнат, захматли иш, аммо эллаб келаямиз. Бу йил «Яксарт» навининг оддий уругини 48 гектар ерга экиб, парвариш қилдик, натижада режа-даги 121 тонна ўрнига 145 тонна товар дон сотдик. Яна 20 гектар майдонда шу навнинг супер элита уругини эканмиз, ҳосил қамида 80 центнердан тушади. Ҳаммаси меҳнатдан.

Абдувоҳид Бегалиев, «Турдиали бобо» ҳўжалиги бошлиғи:

— Ешим 57 да. Узок йиллар ҳў-

жаликка ишлаганман. Ҳозир фермер ҳўжалигимизнинг 150 гектар ери бор. Шундан 100 гектарига бугдойнинг «Ҳоз-гон» навини эқдик. Ҳосилдорлик 70 центнердан ошди. 312 тонна ўрнига 426 тонна етказиб бердик. Ўзимизда ҳам қолди. Тўғри айтишди, ерни фарзанд-ларимиз учун ҳам асрашимиз лозим, чунки у абадий бойлигимиз.

Яна айланиб, Оқмасжид қишлоғи яқинидаги далага келдим. Энди ўрим бошланиб кетган экан. Муқобил ма-шина-трактор парки бошлиғи Баҳодир Шоқулов 2,5 минг гектар ерга галла экишгани, 45 фермернинг ҳаммаси яхши ҳосил олганини гапириб беради. Комбайнчи Маъруф Орзиев ўз касби-дан рози экан. Бу йил 450 гектар май-дондаги галлани ўриб берибди. «Ҳузур қилиб ўраямиз», дейди у.

Телефоним ишлади. Туман ҳоқими боғланган экан. «70 минг тонна дон топширамиз деяпсизлар, деҳқоннинг ўзида ҳам қоладими?», сўрайман ундан дангалига.

— 50 минг тоннадан кўп дон қола-ди, деган дадил жавоб эшитилади.

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Пойтахтимизда Япо-ниянинг Ўзбекистондаги халқаро ҳамкорлик маркази (JICE) томонидан ташкил этилган «Япония ҳукумати-нинг беғараз ёрдам дастури доирасида кадрлар тайёр-лаш учун стипендиялар аж-ратиб (JDC)» лойиҳасининг 20 йиллигига бағишланган битирувчилар ассоциация-си учрашуви бўлиб ўтди.

## JDC ЛОЙИҲАСИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА КЎМАКЛАШМОҚДА



Тадбирда лойиҳа доирасида Япония-нинг қатор етакчи олий ўқув юртурларида турли йилларда магистратура ва докт-орантура йўналиши бўйича таълим олган битирувчилар – вазирилик ва идоралар масъул ходимлари, Япониянинг мамлака-тимиздаги элчихонаси вакиллари иштирок этди.

JDC лойиҳаси Ўзбекистонда Япония ҳукумати томонидан Ўзбекистон Респу-бликаси Олий ва ўрта махсус таълим ва-зирлиги ҳамкорлигида 1999 йилдан буён амалга ошириб келинади.

Лойиҳадан мақсад – мамлакатимиз-даги давлат хизматчиларига Япониянинг етакчи университетларида таълим олиш имконини тақдим этиш орқали Ўзбекистон-нинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига кўмаклашиш, жамиятни ривожлантириш-нинг устувор вазифаларини ҳал этиш учун Япониянинг илгор тажрибасини ўрганиш-дан иборат.

JDC лойиҳаси кадрлар тайёрлаш бўй-ича давлат дастури ижросини таъминлаш, мақсадли идоралар институционал ме-ханизмларини шакллантиришга, Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга кўмак беради. JDC битирувчилари ҳозирги вақтда вази-рлик ва идораларда масъул лавозимларда хизмат қилмоқда.

Тадбирда олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Узоқбой Бегимқулов, халқ таълими вазири ўринбосари Сарвар Бохоўжаев, Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ито Нобу-аки, Ўзбекистондаги JICE ваколатхонаси раҳбари Такасаки Муноо Ўзбекистон – Япония муносабатларида таълим соҳа-сидаги ҳамкорлик кенг кўлама касб этиб, за-монавий талаблар даражасида йил сайин ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Маъмур ҳамкорлигининг мақсади соҳага малакали кадрлар етказиб бериш бўйича устувор вазифаларга тўлиқ мос келади. Икки томонлама муносабатлар олий ўқув юртурлари ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқа-лар кўринишида ривожланаётгани, айниқ-са, қувонарли.

Учрашувда Япониянинг Ўзбекистонда-ги халқаро ҳамкорлик маркази (JICE)нинг лойиҳа фаолиятига бағишланган, Япония-нинг етакчи университетларида таълим олган мутахассислар гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган «Ўзбекистондаги JDC би-тирувчилари ассоциациясининг ҳаракат-лар режаси» га доир тақдимотлар намойиш этилди.

Ғ.ХОННАЗАРОВ, ЎЗА муҳбири

### РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҚАЙСИ ОТМЛАРГА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗЛАРИ ОРҚАЛИ ҲУҲЖАТ ТОПШИРИШ МУМКИН?

Adiyo Vazirligi Davlat Xizmat Agentligi

БОРКАЛДИҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ  
ЎЛКОНИМ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

www.davizmat.uz  
www.facebook.com/davizmat  
@davizmat

### «TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ

2019 йил июнь ойида ўтказилган очиқ аукцион савдолари натижаларини маълум қилади:

Ўзбекистон Республикаси ТИФ МБ «Vip Service NBU» Маркази унитар корхонаси балансидаги Тошкент шаҳар, М.Улғубек тумани, М.Ганди кўчаси, 35-уй манзилида жойлашган (умумий ер майдони 522,0 кв.м. ва умумий майдони 315,0 кв.м.) бўлган «Маъмурий бино», бошланғич баҳоси – 1 185 486 000 сўм. Сотилиш баҳоси – 1 224 621 500 сўм.

Ўзбекистон Республикаси «Асака» АТБга тегишли умумий ер майдони 1,422 га, бино ва иншоотлар умумий майдони 7817,0 кв.м. бўлган «Мармар маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган асбоб-ускуналар ҳамда бино ва иншоотлар» мулк-ий мажмуаси, бошланғич баҳоси – 18 206 000 000 сўм. Сотилиш баҳоси – 18 211 461 800 сўм.

Лицензия RR – №0008.

## ЗАВОД «KRANTAS»

производит и реализует под заказ:



- ▶ Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м3.
- ▶ Водовозы — 4, 8, 12 м3.
- ▶ Вахтовые автобусы 4x4 — 22 мест, 6x6 — 26 мест.
- ▶ Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м3.
- ▶ Кислотовозы — 6, 8, 10 м3.
- ▶ Автогудронаторы — 6, 8 м3.
- ▶ Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05. E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

## OZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

- |                   |                       |                                      |
|-------------------|-----------------------|--------------------------------------|
| Ulug'bek INOYATOV | Qalandar ABDURAHMONOV | Farrux HAMROYEV                      |
| Ulug'bek VAFOYEV  | Saidkamol XODJAYEV    | (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari) |
| Mahmud TOIR       | Muslihidin MUHIDDINOV | To'lg'in TO'RAXONOV                  |
|                   | Shuhrat JALILOV       | (Bosh muharrir o'rinbosari)          |

Qabulxona — (71)233-65-45  
Xatlar va murojaatlar uchun — (71)233-12-56  
Reklama va 'olonlar uchun — (71)233-47-80, (71)233-38-55  
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.  
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.  
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshxonasida chop etiladi.  
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.  
Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba kuni chiqadi.  
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 651. 4401 nusxada bosildi.  
Nashr ko'rsatkichi — 220.  
t — Tijorat materiallari  
O'za yakuni — 22:10.  
Topshirilgan vaqti — 02:10.  
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:  
Toshtemir XUDOYQULOV  
Sahifalovchi-dasturchi:  
Zafar BAKIROV

